

**«МОДДИЙ ЁРДАМ
АРИЗАСИНИ МАҲАЛЛА
ҚАБУЛ ҚИЛАВЕРАДИМИ?»**

3

**«АЙРИМ МАҲАЛЛАДА
ХОНАДОН РАҚАМИ,
КЎЧА НОМИ ЙЎҚ...»**

5

Маҳалла

ИЖТИМОЙ-СИЁСIIЙ,
МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ
ГАЗЕТА



#51 (2137) | ШАНБА, 23 ДЕКАБРЬ 2023 ЙИЛ

WWW.UZMAHALLA.UZ

**«ЁРДАМ
СЎРАГАННИ
ҚУРУҚ ҚАЙТАРАР
ЭДИК...»**



**«ИДОРАДА
ҲУЖЖАТ БИЛАН
ИШЛАЙДИГАН
ХОДИМ КЕРАК»**



**«УЙНИ СОТГАН
БОШҚАЮ
ЖАРИМАНИ
ТЎЛАГАН БИЗ...»**



**ПРЕЗИДЕНТ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ:
«РАҲБАР-ЕТАКЧИЛАР ИЖТИМОЙ
ДУНЁҚАРАШ, МАДАНИЙ САВИЯ БЎЙИЧА
БОШҚАЛАРГА ЎРНАК БЎЛИШЛАРИ КЕРАК»**

ҲУРМАТЛИ МАҲАЛЛА РАИСЛАРИ!

**ЎЗБЕКИСТОН МАҲАЛЛАЛАРИ РАИСЛАРИНИНГ ҲАҚИҚИЙ МИНБАРИ,
ОШКОРА МУЛОҚОТ МАЙДОНИ БЎЛГАН «МАНАЛЛА» ГАЗЕТАСИ ВА
«МАНАЛЛА КО'ЗГУСИ» ЖУРНАЛИГА 2024 ЙИЛ УЧУН ОБУНА БЎЛИНГ!**

**ҲАР ИККАЛА НАШРНИНГ ЙИЛЛИК ОБУНА НАРХИ ЎЗГАРИШСИЗ ҚОЛДИРИЛДИ:
«МАНАЛЛА» ГАЗЕТАСИ – 600 000 СЎМ; «МАНАЛЛА КО'ЗГУСИ» ЖУРНАЛИ – 400 000 СЎМ.
МУРОЖААТ УЧУН ТЕЛЕФОНЛАР: 71 233 39 89, 71 233 10 92, 97 146 02 07**

КУН НАФАСИ

Президент Шавкат МИРЗИЁЕВ:

«Илм-фан, таълим ва тарбия, маънавият
биз учун устувор масаладир»ПРЕЗИДЕНТ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ РАИСЛИГИДА 22 ДЕКАБРЬ КУНИ РЕСПУБЛИКА МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ
КЕНГАШИНING КЕНГАЙТИРИЛГАН ЙИФИЛИШИ БЎЛИБ ЎТДИ.

Бугун жаҳон миқёсида тараққиёт суръатлари мисли кўрилмаган даражада шиддатли тус олмоқда. Айна вақтда азалий қадриятлар, ижтимоий-сиёсий қарашлар тизимида чуқур трансформация жараёнлари юз бермоқда.

«Илгари ўз мақсад ва манфаатларини асосан дипломатия ва сиёсат билан ҳимоя қилиб келган дунёдаги қудратли марказлар энди очикчасига босим ўтказиш, қарама-қаршилик ва тўқнашулар йўлига ўтганига ҳаммамиз гувоҳимиз. Афсуски, бундай кенг кўламли ва ўта зиддиятли жараёнларнинг таъсири Марказий Осиё минтақаси ва унинг таркибий қисми бўлган мамлакатимизни ҳам четлаб ўтмаяпти.

Ана шундай ғоят мураккаб ва таҳликали вазиятда Ўзбекистоннинг миллий манфаатлари жаваб берадиган тўғри йўлни топиш албатта осон бўлмаяпти. Биз дунёдаги узоқ-яқин барча давлатлар билан ўзаро манфаатли алоқаларни ривожлантиришга ҳаракат қилаётимиз», — деди давлатимиз раҳбари.

Таъкидланганидек, мамлакатимиз ўз тараққиётининг янги, юксак босқичига қираётган ҳозирги пайтда бизга жаҳид боболаримиз каби ғарб илм-фан ютуқлари билан бирга, миллий қадриятлар руҳида тарбия топган етук кадрлар сув билан ҳаводек зарур.

«Бу кимгадир ёқадими ёки йўқми, халқимиз жаҳид боболаримиз кўрсатиб берган йўлдан оғшимай бориши керак. Чунки уларнинг ғоя ва дастурлари Янги Ўзбекистонни барпо этиш стратегияси билан ҳар томонлама уйғун ва ҳамохангидир», — деди Президент.

МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ СОҶА
ТАЛАБГА ЖАВОБ БЕРАДИМИ?

Биз бугунги кескин шароитда ғоявий-мафкуравий соҳада рақобатга тайёрмизми? Ёш авлодимиз тарбияси мураккаб замон талабларига жавоб бераётими?

«Булар оддий саволлар эмас. Одамни жиддий ўйлантирадиган, ташвишга соладиган саволлар. Агар биз бу ёруғ дунёда «Ўзбек», «Ўзбекистонлик», «Ўзбекистон» деган номлар билан яшаб қолишни истайдиган бўлсак, бу саволларга бугун жавоб топишимиз ва уларни ҳал этиш бўйича амалий ҳаракатларни айнан бугун бошлашимиз шарт. Эртага кеч бўлади», — деди давлатимиз раҳбари.

Маънавий-маърифий ишларни янада жадаллаштириш учун 2024 йилдан бошлаб ҳар йили 100 миллиард сўмдан маблағ ажратилади.

Маданият, адабиёт ва санъат, оммавий ахборот воситаларини ривожлантириш бўйича



катта ишлар амалга оширилди. Айниқса, Франция, Германия, Хитой, Саудия Арабистони каби давлатларда намойиш этилган миллий маданиятимизнинг ноёб намуналари дунё жамоатчилигини ҳайратга солди ва улар Ўзбекистонни ўзлари учун янгитдан кашф этди.

Президентимиз халқаро майдонда маданий дипломатиямизнинг ўрни тобора ортиб бораётганини таъкидлади. Жумладан, ЮНЕСКО Бош конференцияси сессиялари қарийб 40 йилдан буён фақат Парижда ўтказилади. 2025 йилда эса бу конференциянинг сессиясини биринчи марта бошқа шаҳарда, яъни Самарқандда ўтказиш белгиланди. Ҳеч шубҳасиз, бу — Ўзбекистон учун катта ишонч, айни пайтда масъулият ҳамдир.

ҚОНУН УСТУВОР, ЖИНОЯТГА
ЖАЗО МУҚАРРАР

Бугунги кунда ижтимоий тармоқлар орқали асосан четдан, баъзан, ҳатто, мамлакатимизнинг ўзида ҳам Конституция ва қонунларимизга зид позициялар илгари сурилаётгани, жумладан диний эътиқод ниқоби остида ёшларни маърифатга эмас, жаҳолатга ундаш ҳолатлари пайдо бўлаётгани таъкидланди. Президент зиёлиларимизни тинчлик ва бағрикенглик муҳитини мустақамлашда янада фаол бўлишга, ўзларининг маънавий фазилатлари билан бошқаларга ўрнак кўрсатишга чақирди.

Кейинги пайтда коррупция ва жиноятчиликка қарши курашиш бўйича тезкор тадбирлар амалга оширилмоқда.

«Ўзини «кўча» деб атайдиган жиноий гуруҳлар бўладими, коррупцияга берилган мансабдор шахслар бўладими, ким қонунга бепишанд қараб, давлат ва жамиятга зарар етказадиган бўлса, биз бунга ҳеч қачон жим

қараб туролмаймиз. Кўчаларимиз, маҳалларимиз, ҳаётимиз том маънода тинч ва тоза, жиноятдан холи бўлиши керак. Янги Ўзбекистонда қонун устувор, жиноятга жазо муқаррар бўлиши шарт. Ва албатта шундай бўлади», — деди Президент.

«ОХИРГИ БИР ОЙДА ҚАЙСИ
ТЕАТРГА БОРДИНГИЗ?»

«Агар ҳозир «Қани, охириги бир ойда қайси театрга бордингиз, қандай янги китоб ўқидингиз?», деб сўрасам, ўйлайманки, аксарият раҳбарлар хижолат бўлиб қолиши мумкин. Ҳолбуки, раҳбар-етақчилар ижтимоий дунё-қараш, маданий савия бўйича бошқаларга ўрнак бўлишлари керак», — деди Президент.

Идора ва муассасаларда ойнанинг бир кунини «Театр кунини» деб эълон қилиш таклиф этилди. Ходимларнинг театрларга боришини йўлга қўйиш мақсадга мувофиқлиги таъкидланди. Театр санъатини ривожлантириш бўйича дастур ишлаб чиқилади. Драматургларга 50 миллион сўмдан қалам ҳақи тўланади.

Мамлакатимиз фондларида сақланаётган 3 мингдан зиёд дoston, мақом ва фольклор асарларини замонавий форматга ўтказиш кўзда тутилган. Мақом, катта ашула, бахшичилик, атлас ва адрас, кулолчилик ва заргарлик каби 12 та ноёб маданий мерос намуналари бўйича аъналарни давом эттирадиган мактаблар яратилади.

Муסיқа ва рақс санъатини раванқ топтиришга қаратилган чора-тадбирлар амалга оширилади. Жумладан, «Баҳор» рақс ансамбли илгари Филармония жойлашган машҳур санъат саройида фаолият юритади. Тошкент давлат цирки биносини таъмирдан чиқариш бўйича чора-тадбирлар кўрилади.

Президент музейлар фаоли-

ятини такомиллаштириш бўйича етти йиллик дастур қабул қилинишини эълон қилди. Инновацион технологиялар асосида Тарих музейи ҳамда Санъат музейининг замонавий янги бинолари барпо этилади, Темурийлар тарихи ҳамда Табиат музейларининг экспозицияси янгиланади, Алишер Навоий номидаги Адабиёт музейи капитал таъмирланади. Франция билан ҳамкорликда Миллий реставрация маркази фаолияти йўлга қўйилади.

Муқаддас китоб — Усмон Қуръони саҳифалари ҳам консервация ва реставрация қилинади. 18 та археология ёдгорлиги очик осмон остидаги музейга айлантирилади. Шунингдек, Самарқандда Соҳибқирон Амир Темур боғлари қайта тикланади, «Буюк ипак йўли» музейи барпо этилади ва Бибиҳоним мажмуаси реставрация қилинади.

ХОРИЖ СЕРИАЛЛАРИГА
КАТТА ЎРИН БЕРИЛАЁТГАНИ
ТЎҒРИМИ?

«Савол туғилади: халқимиз телевизорни энг кўп кўрадиган пайтларда, яъни, «прайм-тайм» вақтида хорижий сериалларга катта ўрин бераётганимиз қанчалик тўғри? Бу олдимишга кечиктириб бўлмайдиган долзарб вазифаларни кўймоқда. Жумладан, миллий сериаллар ишлаб чиқариш бўйича мавжуд тизимни тубдан ислоҳ этиш, бу йўналишда ижодкорларимизни қўллаб-қувватлаш лозим», — деди Президентимиз.

Миллий сериалларимизни ғоявий-бадий ва техник жиҳатдан жозибали, ҳамма қизиқиб кўрадиган даражага етказиш зарурлиги таъкидланди. Шу мақсадда «Миллий сериаллар ишлаб чиқариш концепцияси» ишлаб чиқилади. Буниг учун эркин иқтисодий зона — «Cinema Park» ташкил қилинади. Буюк аждодларимизнинг ибратли ҳаёт йўли

ҳақида кўп қисмли анимацион фильмлар яратилади.

Тасвирий ва амалий санъат соҳасини янада ривожлантириш учун алоҳида дастур қабул қилинади.

«Яна бир муҳим масала — маданият ва санъат соҳасида таълим сифатини ошириш бўйича жиддий ўзгариш қилишимиз шарт», — деди Президент.

Мутасаддиларга муסיқа ва санъат мактаблари муаллимларининг ойлигини ошириш, ушбу мактабларнинг коммунал харажатларини бюджетдан қоплаш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш топширилди. Умуман олганда, маданият ва санъат, кутубхона ва музейлар соҳасида фаолият олиб бораётган ходимларнинг ойликлари 2024 йил 1 апрелдан 20 фоизга, 2025 йил 1 январдан яна 15 фоизга бўлган микдорда оширилади.

НАШРИЁТЛАР СОЛИҚДАН
ОЗОД ЭТИЛАДИ

Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузини оширишга алоҳида эътибор қаратилади. Миллий сертификатга эга бўлган «Ўзбек тили ва адабиёти» фани ўқитувчиларига келгуси ўқув йилидан бошлаб 50 фоиз устама тўланади. Ўзбек тили бўйича халқаро фан олимпиадаси ўтказилиши, ғолиб ва совриндорлари пул мукофоти билан тақдирланиши ҳамда олийгоҳларга ўзбеки тили филологияси йўналиши бўйича давлат гранти асосида ўқишга қабул қилиниши белгиланди.

Келгуси йилдан миллий ва жаҳон адабиётининг энг сара намуналарини кўп минг нусхаларда чоп этиш ва барча кутубхоналарга етказиб бериш лозимлиги таъкидланди. Алломаларимизнинг ёшлиги ҳақида китоблар ёзиш, ёзганда ҳам болаларбоп қилиб ёзиш кераклиги кўрсатиб ўтилди. Нашриёт ва матбаа корхоналарининг молиявий имкониятлари кенгайтирилиши, моддий-техник базаси мустақамланиши зарурлиги таъкидланди. Шу мақсадда ушбу корхоналар 5 йилга солиқлардан озод қилинади. Шунингдек, уларга имтиёзли кредитлар ажратилади.

Давлатимиз раҳбари кўплаб хорижий давлатларда меценатлик ҳаракати кенг ёйилганини қайд этиб, бизнинг ҳаётимизга ҳам кириб келаётганини олқишлади. 2017 йилда ташкил этилган 70 га яқин «Дўстлар клуби» томонидан маданият муассасаларига 85 миллиард сўм ҳомийлик ёрдами кўрсатилган. Энди бу тажриба доимий ишлайдиган тизимга айлантирилади.

Президент Матбуот хизмати ахбороти асосида тайёрланди.

УЧРАШУВ

Вазир ёшлар билан мулоқот қилди



Тошкент шаҳридаги «Ишга марҳамат» мономарказида Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазири Беҳзод Мусаев вазирлик тизимида фаолият олиб бораётган ёшлар билан учрашди.

«Ёшлар форуми – 2023» доирасида ташкил этилган учрашувнинг кириш қисмида Беҳзод Мусаев мамлакатимизда ёшлар сиёсати бўйича амалга оширилаётган ишлар хусусида сўз юритиб, биргина мазкур вазирлик тизимидаги ходимларнинг 6 113 нафари, яъни 18 фоизини ёшлар ташкил этишини қайд этди. 2023 йилда 342 нафар йигит-қиз ва-

зирлик марказий аппарати ва тизим ташкилотларида масъул лавозимларга тайинланган.

Учрашувда ёшларнинг ташаббусларини қўллаб-қувватлаш ҳақида сўз борар экан, шу мақсадда 8 230 нафар йигит-қизга қиймати 39,6 миллиард сўмлик субсидия ажратилгани, Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастури доирасида 149 600 на-

фар ёшга 3,2 триллион сўмлик кредит маблағлари берилгани қайд этилди.

Вазирлик тасарруфидаги Маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги ҳамда Ёшлар ишлари агентлиги ҳамкорлигида «Ёшлар бандлиги дастури» ишлаб чиқилган бўлиб, дастур бугун ҳар бир маҳаллада амалга ошириляпти.

Жорий йилнинг 1 ноябрь ҳолатига кўра, дастур ижроси доирасида 342 минг нафардан зиёд ишсиз ёшларга бандликка кўмаклашиш ва тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш бўйича хизматлар кўрсатилди. Натижада 110 200 нафар йигит-қиз корхона ва ташкилотлардаги бўш (вакант) ва квота ўринларига ишга жойлаштирилди. 19 700 нафари ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб қилиниб, 55 600 нафари касб-хунарга ўқитилди.

Қолаверса, Аҳолини тадбиркорликка жалб қилиш жамғармаси ҳисобидан 46 073 нафар ишсиз ёшларга тадбиркорлик фаолиятини бошлаш учун 212 миллиард сўм, Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармасидан 946 та иш берувчи корхонага 4 370 нафар фуқарони ишга қабул

қилгани учун 19,5 миллиард сўм миқдорда субсидия маблағлари ажратилди. 17 100 нафар ёшга етти минг гектардан ортиқ ер майдони узоқ муддатга ижарага берилган бўлса, 12 минг нафарга яқин ишсиз ёшлар ижтимоий ҳимояга олиниб, уларга ишсизлик нафақаси тайинланди.

Вазирлик тизимида ходимларнинг асосий қисмини ёш мутахассислар ташкил этади. Тадбирнинг «Очиқ мулоқот» қисмида ёшларнинг таклиф ва ташаббуслари тингланди.

2024 йилда вазирлик ёшлар учун яратажак бир қанча янги имкониятлар ва лойиҳалар белгилаб олинди. Хусусан, вазирлик тизимида ёшлар билан ишлаш бўйича янгича ёндашув жорий этилади. Ёшлар етакчиси тавсияси билан бериладиган ёрдам турлари трансформация қилиниб, асосий эътибор уларни замонавий касб-хунарга ўргатишга қаратилади.

Учрашув сўнгига Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги тизимида фаол саяҳатлар олиб бораётган 50 нафар ёш фахрий ёрлик ҳамда 4 миллион сўм миқдорда пул мукофоти билан тақдирланди.

МАЪНАВИЯТ РАҲБАРДАН БОШЛАНАДИ

«Даврий нашрлар маърифатли инсонларни тарбиялайди»



Газета ва журналларга қизиқиш менда болаликдан шаклланган. Шундай муҳитда улғайдим. Эслиман, ўша даврларда ҳар бир хонадонга камида 3-4 турдаги газета, журнал келарди. Техника бугунгидай ривожланмаган бўлса-да, барча ҳудудга газета етказишда муаммо кузатилмасди.

Босма нашрларни мунтазам ўқиб бориш кишининг онги ва дунёқарашини кўтарибгина қолмай, ёзма саводхонлиги юксалиши ҳамда нотиклик санъатини оширишга ёрдам беради. Мен ҳам оилада, ишхонада мутолаа муҳитини шакллантирганман. Кўп турдаги газета ва журналларга обуна бўлиш ва уларни кузатиб бориш аънаанага айланган. Уларнинг орасида шубҳасиз, «Mahalla» газетаси, «Mahalla ko'zgusi» журнали олдинги ўринда туради. Тизим фаолиятини ёри-

тишга ихтисослашган ҳар икки нашрдан ўзим учун керакли маълумот олиб, соҳавий янгиликлардан хабардор бўламан. Керакли таклифларимни бериб бораман. Шу боис 2024 йил учун ҳам биринчилардан бўлиб, «Mahalla» газетаси ва «Mahalla ko'zgusi» журнаliga тўлиқ обуна расмийлаштирдим. Энди шу нашрларни мунтазам кузатиб боришни давом эттириш имкони бор менда.

Шу ўринда газета ва журнал мутолааси ҳақида мулоҳазаларимни билдириб ўтмоқчиман.


Мажбурий обунанинг тақиқланиши тўғри. Аммо бу мамлакатимизда нашр этилаётган ўқишли ва керакли нашрларга обуна бўлмаслик керак, дегани эмас. Айнан шу нашрлар орқали одамлар ҳудудда амалга оширилаётган ислохотлар, янгиликлар, илғор тажрибалардан хабардор бўлади. Маҳалла раиси ўз мутахассислигига доир газетани мунтазам ўқиб бормасдан билими, малакаси, тажрибасини қандай оширади? Даврдан, жамиятдан, ҳамкасбларидан ортда қолиб кетмайдими? Давлатимиз раҳбари маҳалла раисларини биринчи навбатда маҳаллада ижтимоий-маънавий муҳитнинг ўсишига масъул қилиб белгилаб бердилар, одамларимизни газета ўқишга қайтариш лозимлигини таъкидлаб ўтдилар.

Бир сўз билан айтганда, даврий нашрлар мутолааси юртимизда юсак маънавиятли, маърифатли, билимдон, жамият равақи учун дадил курашадиган, турмуш ташвишларини тўғри танқид ва таҳлил қила оладиган шахсларни тарбиялашга хизмат қилади.

Тоҳиржон КАРИМОВ,
Наманган вилояти
камбағалликни қисқартириш
ва бандлик бош
бошқармасининг маҳалла
институтини ривожлантириш
бўлими бошлиғи.

МЕНДА САВОЛ БОР...

Ҳалимжон МУҲАММАДАЛИЕВ,
Боғдод туманидаги «Амиробод»
маҳалласи раиси:



– Бола пули ва моддий ёрдам олиш учун ариза қабул қилиш тартиби янада такомиллаштирилди. Энди фуқаро аризани Давлат хизматлари марказлари орқали онлайн тақдим этиши мумкин. Бу

тартибга кўра, аввалгидек, маҳалла раиси ариза қабул қилишни рад этса бўладими? Чунки маҳалла раиси вазифа ва мажбуриятида бола пули ва моддий ёрдам аризасини қабул қилиш белгиланмаган. Шундан келиб чиқиб, энди раислар фуқарога аризани ДХМ орқали топшириш лозимлигини тушинтирса қонунбузарлик эмасми?

«Моддий ёрдам аризасини маҳалла қабул қилаверадими?»

Комила ЗОКИРОВА,
Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги масъул ходими:

– Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 21 октябрдаги «Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига асосан, кам таъминланган оилаларга болалар нафақаси ёки моддий ёрдам тайинлаш учун ариза зарур ҳужжатлар билан бирга бевосита ариза берувчининг доимий ёки вақтинча яшаш манзилидаги фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органига тақдим этилиши белгилаб қўйилган. Берилган ариза маҳалладаги ходим томонидан қабул қилиб олинади. Аммо Пенсия жамғармаси туман(шаҳар) бўлимига «Ижтимоий ҳимоя ягона реестри» ахборот тизимида киритилишига ариза маҳалла раиси томонидан тасдиқланган рўйхат асосида тақдим этилади. Яъни, янги қарор билан маҳалладан аризани қабул қилиш вазифаси олиб ташланмади. Демак, фуқаро аризани маҳалла орқали топшириш истагида бўлса, уни ДХМга йўналтириш нотўғри. Янги қарор билан Давлат хизматлари маркази орқали ариза қабул қилиш тартиби, фуқароларга қулайлик яратиш учун кўшимча равишда жорий этилган.

НУҚТАИ НАЗАР

«Хусусий уй боғчалари етарли эмас»



Маҳалла аҳолиси, асосан, чорвачилик ва деҳқончилик билан шуғулланади. Ҳар бир хонадонда қорамоллар боқилиб, гўшт ва сут етиштирилади. 448 та хонадоннинг 375 таси қўшимча томорқа ерларида шולי, картошка, бұғдой, помидор каби қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экади. Даромад шулардан.

Бу йил маҳалла инфратузилмасида бир қатор янгиликлар бўлди. Депутатлик сўровномаси асосида хонадонларга ичимлик сув тармоқлари тортилмоқда. Айни пайтда эллик фоиз ишлар якунланди. 2 800 метр ички кўчалар шағаллаштирилди. Қолган 7 200 метри сув тармоқлари тортилгач, 2024 йил дастур асосида қилиниши режалаштирилмоқда. Шунингдек, 600 миллион сўмга яроқсиз ҳолга келган битта катта кўприк таъмирланди. Кувонарлиси, аҳоли хонадонлари тўлиқ газлаштирилган.

Шу кунгача маҳалла идораси йўқлиги сабабли, «маҳалла бешлиги» кўшни «Таган» маҳалласи идорасида, ундан кейин 28-мактаб биносида шароитсиз ҳолатда фаолият юритиб келдик. Жорий йил ўз идорамизга эга бўлиб, кўнги хотиржамликда ишлашни бошладик.

Маҳаллада оқова сув яхши бўлгани учун деҳқончилик ривожланмоқда. Ишдан чиққан захкаш ерлар қайта ишга туширилмоқда. Ҳозирда аҳолининг томорқа ерлардан самарали фойдаланишлари учун ана шун-

дай 8 километр захкаш зовурлар тозаланмоқда.

Келгусида қилиниши зарур бўлган ишлар бор. Ҳозирги учта хусусий уй боғчалари етарли эмас, 75 та болани қамраб олган холос. Шу сабаб, 150 ўринли боғча керак.

Раисларнинг асосий иш вақти маҳалла ҳудудида, аҳоли билан мулоқотда ўтади. Шундай пайтларда тегишли ташкилотларга ёки фуқароларга зарур ҳужжатларни беришда бўшлиқлар пайдо бўлмоқда. Шу сабаб, ҳар бир маҳаллада ҳужжатлар билан ишлаш ёки иш юритиш штатини ташкил этиш зарур бўлмоқда.

Шарифбой ХУСИНОВ,
Янгиариқ туманидаги
«Гулшанда» маҳалласи раиси,
туман Кенгаши депутати.

МАЪНАВИЯТ РАҲБАРДАН БОШЛАНАДИ

«Мутолаасизлик ортидан саводсизлик ортыпти»



Мансур ШОДМОНОВ,
Оҳангарон шаҳар камбағалликни қисқартириш ва бандлик бўлими бошлиғи ўринбосари:

— Тезкор замонда ижтимоий тармоқлар орқали хабарлар алмашинуви, ахборотлар берилиши кенг оммалашди. Куннинг долзарб янгиликларини турли сайт ва телеграм каналлар орқали билиб оляпмиз. Бу яхши, албатта. Бироқ ижтимоий тармоқлар сабаб аксарият аҳолида мутолаа қилиш кўникмаси йўқолиб кетяпти. Саводсизлик ортмоқда. Бунинг исботини ижтимоий тармоқлардаги ёзишмалар орқали билиш мумкин.

Шу сабаб китоб, газета ва журналларни тез-тез мутолаа қилиб туриш лозим. Мутолаа инсон саводини юксалтириш билан бирга, онгини ривожлантиради, маънавиятини оширади. Маънавиятли инсон барчага ўрнак бўла олади. Шу сабаб биз ҳам жамоамиз билан ўзимизнинг тизимга оид «Mahalla» газетаси ва «Mahalla ko'zguisi» журналига обуна бўлдик.

Бундан ўрнак олган барча маҳалла раислари ўз ташаббуслари билан ушбу нашрларга 2024 йил учун обуна расмийлаштиришди. «Mahalla» газетаси ва «Mahalla ko'zguisi» журнали маҳалла ходимлари учун ихтисослашган, энг муҳим нашрлардир. Унда иш фаолиятига оид меъерий-ҳуқуқий ҳужжатлар, тажрибалари кенг оммалаштирилади.

ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

Аралаш сайлов тизими жорий этилади

Президент имзолаган Қонун (ЎРК–883, 18.12.2023 й.) билан бир қатор қонунчилик ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди. Жумладан, Сайлов кодексига киритилган ўзгартиш ва қўшимчаларга кўра:

☑ Қонунчилик палатаси депутатлари сайловини ўтказиш учун 75 та ҳудудий бир мандатли сайлов округи тузилади;

☑ Қонунчилик палатаси депутатлигига сиёсий партиялар томонидан кўрсатилган номзодлар рўйхати асосида Қонунчилик палатасига сайлов ўтказиш учун Ўзбекистоннинг бутун ҳудуди ягона сайлов округи ҳисобланади;

☑ Партия рўйхати Марказий сайлов комиссияси томонидан рўйхатга олинганидан кейин, ушбу рўйхатга киритилганлар депутатликка номзод мақомини олади ва уларга гувоҳнома берилади;

☑ Партия рўйхатига киритилган номзодлар ушбу сиёсий партиянинг аъзолари ёки партиясиз бўлиши мумкин. Бошқа сиёсий партиянинг аъзолари ушбу рўйхатга киритилиши мумкин эмас;

☑ депутатликка номзодларни танлаш тартиби сиёсий партиялар томонидан белгиланади;

☑ аёлларнинг сони бир мандатли сайлов округлари бўйича, шунингдек, партия рўйхати асосида сиёсий партиядан кўрсатилган депутатликка номзодлар сонининг камида 40 фоизини ташкил этиши керак. Бунда партия рўйхатидаги кетма-кетликда камида ҳар 5 нафар номзоднинг икки нафари аёл киши бўлиши лозим.

Шунингдек, ягона сайлов округи бўйича сайланадиган Қонунчилик палатасининг депутатлик ўринлари ушбу сайловда иштирок этган сайловчилар овозларининг 7 ва ундан кўпроқ фоизини тўплаган сиёсий партиялар ўртасида тақсимланади.

Қонунчилик палатасининг камида 5 нафар депутати фракция тузиш ҳуқуқига эга (илгари камида 9 нафар эди).

Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан қўлга кирди.

МУАММО

«Бўш ер бўлса, мактаб ва идора қураар эдик»

«Ғўслик» – туман марказида жойлашган, қадимий маҳалла. Аҳолининг учдан бир қисми зардўзлик билан шуғулланади. Асосан, зарчопонлар ва келинлар либоси тикилади. Маҳсулотлар Ургут тумани ва Самарқанд шаҳридаги бозорларда сотилади.



Туманда «Ургут» эркин иқтисодий зонаси қурилгач, ургутликларнинг катта қисми доимий иш ўрнига эга бўлди. Тадбиркорлар учун кенг имкониятлар яратилди. Ургут катта бозорга айланди.

Ушбу иқтисодий зона «Ғўслик»ликлар учун қулай ҳудудда жойлашган – 3 километр. Шу сабаб, аҳолининг бир қисми шу ердаги турли корхоналарда

меҳнат қилади. Йигирмага яқини маҳалладаги «Хуррамтекстиль» корхонасида ишлайди.

Аҳоли орасида усталар кўп. Улар мавсумий қурилиш ишлари билан банд. Нафақат маҳаллада, туманда, балки кўшни вилоят ва республикаларда мижозларига эга.

Жорий йил ҳомийлар кўмагида электр тармоғини яхшилаш

учун иккита трансформатор, 20 та бетон устун ўрнатилиб, 600 метр ҳаво линиялари тортилди. Яна 30 та бетон устун, битта трансформатор ва кабель симлари зарур.

Йиғиннинг Шарқ кўчасидаги 115 та хонадонга ичимлик сув чиқариш учун артезиан қудуғи қазилди, лекин охирига етказилмади. Коинот ва Шерозий кўчаси аҳолиси тоғдаги чашма булоғидан келадиган сувдан олишса, бошқа кўчадагилар эски артезиан қудуғидан сув ичишади.

Маҳалла қадимий бўлгани сабабли, бу ерда ер муаммо. Ўқувчилар сони органи сабаб, эски мактабнинг қуввати етмаяпти. Шу сабаб мактабни бузиб, қайтадан икки қаватли қилиб қуриш керак ёки маҳаллага туташ ҳудуддаги фермер хўжалиги ерининг бир қисмида янги мактаб кўтариш зарур.

Маҳалла идорасидаги шароитлар ҳаминқадар. Икки хонали бинода «маҳалла бешлиги» фаолият юритмоқда. Янги йилдан «маҳалла еттилиги» иш бошласа, муаммолар янада ортади. Бу муаммо ҳам ер билан боғлиқ.

Сабоҳат НУРУЛЛАЕВА,
Ургут туманидаги
«Ғўслик» маҳалласи раиси.

МАЪНАВИЯТ РАҲБАРДАН БОШЛАНАДИ

«Mahalla» — тажриба алмашишда муҳим восита



Раҳбар киши ҳар нарсада ходимларга ўрнак бўлиши керак. Ишга вақтида келишдан тортиб, юриш-туриш, сўзлашиш, ўзаро мулоқот маданиятига қадар... Яна бир жиҳат борки, мутолаа нафақат ҳар бир раҳбарнинг, балки ходимларнинг ҳам кундалик машғулотига айланмоғи лозим.

Мутолаа инсон фикрини чархлайди, дунёқарашини кенгайтиради. Ҳаётда рўй бераётган воқеалар борасида чуқурроқ мулоҳаза юритишга ундайди. Шу боис ҳар доим унга эҳтиёж сезамиз. Меҳнат жамоасида, ҳатто оила даврасида имкон қадар газета ўқишга интиламман. Уққанларимдан иш фаолиятимда, одамлар билан мулоқотда, фарзандлар тарбиясида фойдаланаман. Шунинг учун «Mahalla» газетаси ва «Mahalla ko'zgasisi» журналига биринчилар қатори обуна бўлдим.

Очиғи, ҳозирги давр ҳар қандай раҳбардан хонасидан чиқишни, одамлар муаммосини билан жойига чиқиб ўрганишни талаб қилмоқда. Касбимиз тақозосига кўра, асосан, маҳаллаларда бўламиз. Айни шу жараёнларда «Mahalla» газетаси бизга кўмакчи, ёрдамчи бўлади. Негакки, унда айнан маҳалла тизимига оид энг муҳим ўзгаришлар, ҳуқуқий маслаҳатлар, тажрибалар доимий равишда чоп этилади. Баъзи ўринларда қайсидир вилоятда синалган тажриба бизга кўл келиб қолади.

Буни қарангки, қайси маҳаллага бормайлик, ҳар бирида севимли нашрларимиз раислар кўлида турганига гувоҳ бўламиз. Улар иш фаолиятида ундан фойдаланаётгани, билмаганини ўрганаётганини айтишади. Бундан кўринадики, «Mahalla» газетаси ва «Mahalla ko'zgasisi» журнали ўзаро тажриба алмашиш, ҳамкасблар билан мулоқот олиб бориш учун минбар вазифасини бажармоқда. Шу боис деярли барча маҳаллалар шу нашрларга обуна бўлишди.

Валишер Жўраев,
Олот тумани камбағалликни қисқартириш
ва бандлик бўлими бошлиғи.

ОБОДЛИК

«30 йиллик изтироблар ортда қолди...»

«Обод хонадон», «Обод кўча», «Обод маҳалла» мезонлари асосида 30 йилдан бери эътибордан четда қолган, йўл, электр, ичимлик сув, тиббиёт масалалари оғир бўлган маҳалламизга янгича руҳ, кайфият олиб кирди. 2 500 нафар аҳоли яшовчи йўлнинг инфратузилмаси тўлиқ қайтадан янгиланиб, фойдаланишга топширилди.



Маҳаллада қисқа муддатда амалга оширилган бунёдкорлик ишларини ҳеч нарса билан қиёслаб бўлмайди. Хусусан, дастурлар доирасида маҳалла биноси куриб берилди. Ваҳоланки, шу вақтгача ижарама-ижара сарсон эдик. «Маҳалла эттилиги» фаолиятига мослаштирилган янги бинода куёш панеллари ўрнатилди. Бирорта текисланмаган, кум-шағал ётқизилмаган кўча қолмади. 7 та кам таъминланган оила хонадонлари капитал таъмирланди.

Шу билан бирга, 5 километр ички йўлларга тош-шағал ётқизилиб, 1,3 километр пиёдалар йўлакчаси барпо этилди. Тунги вақтларда ёритиш учун 50 дона куёшдан қувват олувчи тунги ёритиш чироқлари ўрнатилди. Қолаверса, ҳудудда 185 дона темир-бетон устун янгиланди, 5 минг метр янги линия тортилди. 2 та янги трансформатор ўрнатилиб, мавжуд 3 таси таъмирланди. Бу эзгу ишлардан аҳоли жуда хурсанд.

Маҳаллада тиббий хизмат сифати яхшиланди. Шу вақтгача «Янги Жейнов» қишлоқ врачлик

пункти хизмат кўрсатган бўлса-да, шароит жуда қониқарсиз эди. Бино маънан эскирган, беморларга тиббий хизмат кўрсатиш учун қулайлик умуман йўқ эди. Энг қизиғи, масканда атиги икки киши ишларди. Дастур доирасида бино қайта таъмирланди ва «Олтин бошоқ» оилавий шифокорлик пунктига айлантирилди. Стационар даволаниш учун бемор ўринлари ташкил этилди. Иситиш тизими йўлга қўйилиб, тиббий жиҳозлар келтирилди. Иш ўринлари кўпайди.

Маҳаллада бугунга қадар йўловчилар учун бирорта бекат бўлмаган. Дастур доирасида савдо дўкони ва йўловчи кутиш қисмини ўз ичига олган янги бекат курилиб, фойдаланишга топширилди. Имтиёзли кредит ҳисобидан шу ерлик тадбиркор янги тикув, нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхонасини ташкил этиб, бир гуруҳ хотин-қизларни иш билан таъминлади. Ёшларни спорт ва жисмоний тарбияга жалб этиш, уларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш мақсадида «Workout»

майдончаси, сунъий қопламали мини-футбол ўйингоҳи фойдаланишга топширилди. «Олтин бошоқ» маҳалласи ҳудудига кириш қисмига замонавий кўринишдаги стелла ўрнатилиб, тева-рак атрофи ободонлаштирилди.

Умуман олганда, бу жойларга илгари келган киши ўзини худди чўлга келиб қолгандек ҳис қилган бўлса, мана, кўрингки, ҳозир худуд кичкина бир шаҳарчага ўхшайди. Одамларнинг 30 йиллик изтироблари ортда қолди... Кўчалар равон ва ёруғ бўлди. Маъмурий бинолар курилди. Спорт майдончалари, гўзаллик салонлари барпо этилди.

Эндиликда маҳалла ходимлари янги шароит, янги имкониятлар туфайли ишга икки ҳисса масъулият билан ёндашмоқда, ҳар бир оилани индивидуал ўрганиб, муаммоларни шу ернинг ўзида ҳал этишга киришган. Энг муҳими, асосий мақсад — одамлар розилигига қаратилган.

Холмурод АСАДОВ,
Иришкор туманидаги
«Олтин бошоқ» маҳалласи
раиси.

ФИКР

«Айрим маҳаллада хонадон рақами, кўча номи йўқ...»

Туман марказидан 35-40 километр узоқликда жойлашган маҳаллада 2 656 нафар аҳоли яшайди. Шу кунга қадар қишлоқ аҳли бир иш билан мурожаат қиладиган маҳалла идораси йўқ эди. Бунёдкорлик ишлари доирасида замон талабларига жавоб берадиган, кўркам бино куриб берилди. Бундан ташқари, озиқ-овқат ва бошқа маҳсулотлар сотишга мўлжалланган савдо расталари қад ростлади. Айниқса, маҳаллада жойлашган касб-хунар мактаби биноси негизда бадий адабиётларга бой кутубхонанинг фаолият бошлагани тоғайтемирлик ёшларни қувонтирди.

Таъкидлаш лозимки, «Дехқонобод калий заводи» АЖ ҳомиёлик маблағлари ҳисобидан аҳолининг ичимлик сув таъминотини яхшилаш мақсадида 150 метр куб ичимлик сув сақлаш



ҳовузи қурилгани маҳалла аҳолисини хушнуд қилди. Боиси шу кунга қадар қишлоқ аҳли учун ичимлик сув таъминоти муаммолигича қолаётган эди. Қолаверса, қишлоқ лой, ёзда чанг бўлиб ётадиган кўчаларнинг 20 километр қисмига шағал тўкилди. Электр

таъминотини яхшилаш мақсадида 157 та темир-бетон устун, 2 та трансформатор ўрнатиш ва 8,4 километр тармоқ тортиш ишлари бажарилди. Шунингдек, «Ҳазрати Шер Худо» қабристонига йўлаклар курилиб, кириш қисмига зинапойлар қилинди. Ёшларнинг

бўш вақтини мазмунли ўтказиш мақсадида спорт майдончалари, «Workout» курилди.

Маҳалламизда авваллари ҳар бир хонадонда камида 5-6 тупдан дарахт бўларди. Ўртада сувсизлик оқибатида уларнинг кўпи куриб қолди. «Яшил макон» лойиҳаси доирасида яна дарахтзорлар барпо этишга киришдик. Тўғри, лойиҳа биринчи бошланган пайтда жуда кўп хатоликларга йўл қўйдик, буни тан олиш керак. Чунки айни шу худудга мос дарахт экмадик, сув тизимини, тупроқни ўрганмадик, фақат сонга юрдик. Бу йил суғориш тизими мавжуд бўлган ерларга ва шароитга мос дарахтлар экдик. Ҳар бир кўчатнинг эгасини белгиладик, сув тизими ўрнатилмаган ерга кўчат экилмади. Кўчатлар назорат қилиниши учун электрон платформага киритилди. Ўйлайманки, яқин 5-6 йилда яна аввалгидек хо-

надонлар олдида дарахтзорлар пайдо бўлади.

Яна бир гап: «Рақамли маҳалла» тизимини жорий этишни тезлаштириш керак. Бу орқали маҳаллаларнинг ҳудуди, майдони, инфратузилмаси, чегараси акс этган харитаси, хонадонларнинг жойлашуви, рақамлари ва кўча номларининг ягона базасини юритиш имкони пайдо бўлади. Зеро, олис худудлардаги айрим маҳаллаларда ҳали-ҳануз хонадон рақами, кўча номи мавжуд эмас. Кимнидир излаб борсангиз, «Яшил томли дўкондан кейинги уй...», «Йўлнинг охиридан чапга, озроқ юриб, яна ўнгга буриласиз...» деган мужжал жавобларни эшитасиз. Шу боис маҳаллани рақамлаштиришни тезлаштириш керак.

Бобомурод ХУРРАМОВ,
Дехқонобод туманидаги
«Тоғайтемир» маҳалласи раиси.

МАЪНАВИЯТ РАҲБАРДАН БОШЛанади

«Фойдали
маълумотга эга
бўляпмиз!»

Жаҳонгир ҲАСАНОВ,
Ангрен шаҳар Камбағалликни қисқартириш
ва бандликка кўмаклашиш бўлими бошлиғи
ўринбосари:

— Маънавият улашувчи, зиё тарқатувчи газета инсонларнинг маънавиятини, саводхонлигини оширади. Биринчи навбатдаги энг зарур, керакли ва ишончли маълумотларни ўзида акс эттирувчи манбадир. Қолаверса, давлатдаги ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий ўзгаришлар тўғрисидаги ахборотларни жамиятга ҳаққоний ва холис етказиб беради.

Айниқса, маҳалла тизими ҳақида «Mahalla» газетаси ва «Mahalla ko'zgusi» журнали орқали барча саволларга жавоб топади. Жамоамиз билан 2024 йил учун ҳар икки нашрга обуна бўлди. Бундан ўрнак олган маҳалла раисларининг аксарияти ўзлари учун муҳим бўлган нашрлар — «Mahalla» газетаси ва «Mahalla ko'zgusi» журналига обунани расмийлаштиришди.

МУАММО

«Йиғин идораси йўқ,
оқова сув ва газ етишмайди»

Маҳалла энг чекка ҳудудда жойлашган бўлиб, Туркменистон Республикаси билан чегарадош. Аҳолининг асосий даромади — деҳқончилик ва чорвачилиқдан.

Торморқа ер майдонларига рўзгорбоп сабзавот ва полиз маҳсулотлари экади. Такрорий экин-да чорва моллари учун озукабоп ем-ҳашақлар экилади. 85-90 фоиз аҳоли хонадонларида чорва моллари ва парранда бор. Гўшт, сут ва сут маҳсулотлари, тухум ўзларидан. Рўзгордан ортганини бозорга чиқариб, қўшимча пул қилади.

Туман ва вилоят марказларидаги сутни қайта ишлаш корхоналар махсус машиналарда келиб, маҳалланинг ўзидан марказлашган ҳолда сутни олиб кетади. «Чиқирчи»ликлар кунига 500-700 литр сут сотишади.

Аҳолининг маълум қисми фермер ва кластерларда меҳнат қилиб, оила тебратмоқда. Айримлари тадбиркорлик билан шуғулланмоқда. Тикувчилик қилиб, пишириқ пишириб даромад топаётган хотин-қизлар бор. Уларнинг фаолиятини қўллаб-қувватлаб, тадбиркорлик фаолиятини кенгайтиришга кўмаклашяпмиз.

Аҳолининг катта қисми хонадонларига қувурлар тортилиб, ичимлик сув билан таъминланган эди. Фақат Ойбек, Истиклол юлдузи, Азимдиёр кўчаларида истиқомат қилаётган 55 та хонадон қолганди. Бу йил «Она» жамоат фондининг «Ичимлик суви» хайрия лойиҳаси асосида сувни тозаловчи иншоот ўрнатиб берилгач, аҳоли тўлиқ тоза



ичимлик сув билан таъминланди.

Жорий йил 1,3 километр пиёдалар йўли қурилиб, 4 та кўча сағаллаштирилди. Яна иккита тупроқ кўча қолди, холос. Шифокорлар, Бободехқон, Чиқирчи кўчаларига бетон устунлар ўрнатилиб, махсус кабель симлар тортилди.

Йиғинда кўпроқ оқова сув муаммо. Бу йил яхши бўлди, лекин ўтган йил аҳоли жуда қийналишганди. Айниқса, экин-тикинларни суғориш пайтида йиғирма кунлаб сув келмай қолди. Қўшни маҳаллаларда бу муаммо артезиан қудуғи қазилиб, қисман ҳал этилган. Шу сабаб келгуси йил дастурга битта артезиан қудуғини қазिश ва трансформатор ўрнатиш режасини киритяпмиз.

Яна бир муаммо, маҳалла идораси йўқ. Уч йилдан буён тадбиркор томонидан қурилаётган маҳалла идораси битмаяпти. Бу масалада ту-

ман ҳокимига кириб чиқдик. Ёрдан беришини айтди.

Айни пайтда аҳолини газ муаммоси қийнаяпти. Совуқ тушиши натижасида газ истеъмоли ортиб, газ баллонлари ўз вақтида етиб келмаяпти. Бу масалани ҳал этиш учун туман ҳокими ва туман газ таъминоти раҳбари аҳоли билан мулоқотда бўлди. Зарур кўмирлар етказиб берилган.

Келгусида маҳалла идораси ёнидан тиббиёт пунктини ташкил этиш ниятидамиз. Чунки ўн минг аҳолига хизмат кўрсатаётган қишлоқ врачлик пункти аҳоли саломатлигини таъминлаш учун етарли бўлмаяпти.

Раҳим ЮСУПОВ,
Янгиариқ туманидаги
«Чиқирчи» маҳалласи раиси.

НИГОХ

«Тадбиркор ва зиёлилар ибрат кўрсатишяпти»



Маҳалла Соҳибқирон Амир Темурнинг устози Мир Саид Барака номига қўйилган. Зиёлилар маҳалласида собиқ адлия вазири, вилоят ҳокими Алишер Мардиев, судья Зоир Алиев, профессор Абдурашид Жабборов, Абдулло Насимов, Саида Кубаева, Қаҳҳор Мирзаев, Шокир Ғаффаров каби таниқли инсонлар истиқомат қилади. Кунни кеча вилоят ҳокими ушбу инсонлар хонадонига бўлиб, байрам билан табриқлади.

Йиғинда 711 та хонадон бўлиб, меҳнатга лаёқатли аҳолининг олти миш фоизи турли давлат ташкилотлари ва корхоналарда меҳнат қилади. Ўттиз фоиз аҳоли тадбиркорлик билан шуғулланади. Энг йирик тадбиркор — Олим Кубаев Булунғур туманида паррандачилик фабрикасини ташкил этиб, Самарқанд шаҳрини тухум билан таъминламоқда. Бу ерда юзлаб аҳоли доимий иш ўрнига эга. Яна бир фуқаромиз Шомурод Ҳурамов Кўшработ ту-

манида тикувчилик корхонасини ташкил этиб, 120 нафар аҳолининг доимий бандлигини таъминлаган. Маҳаллада мебель ишлаб чиқарувчи тадбиркорлар кўп. Уларнинг ҳар бирида 70-80 нафар ёшлар «устоз-шоғирд» аънаси асосида меҳнат қилиб, доимий даромадга эга бўлмоқда.

Ҳудудда сайёҳлар оқими ривожланмоқда. Улар учун тўртта меҳмонхона хизмат кўрсатмоқда. 2021 йил маҳаллада «Самарқанд» газетаси ва «Ойна» журнали асосчиси, жадидчилик ҳаракати етакчиси Маҳмудхўжа Бехбудийнинг уй-музейи очилди. Музейда Туркистонда жадидчилик ҳаракати етакчиси Маҳмудхўжа Бехбудий ижоди ва ҳаёти тўғрисидаги маълумотлар, ўша давр маданияти, маърифати, илм-фан ривожига ҳисса қўшган бир қанча маърифатпарвар олимларнинг фотосуратлари, илмий асарлари мавжуд. Шунингдек, XX аср бошларига тегишли ноширлик дастгоҳи, газета ва журналлар нусхалари, илмий архив ҳужжатлари ва нодир музей ашёлари ўрин олган. «Падаркуш» драмаси илк бор шу бино ҳовлисида сахналаштирилган.

Бундан ташқари, маҳаллада расом Павел Бенков уй-музейи



бўлиб, бу ерга келувчи сайёҳлар сони йилдан-йилга ортмоқда.

2018 йил «Бизнинг маҳаллада ҳуқуқбузарликка ўрин йўқ» мавзудаги лойиҳа билан Олий Мажлис ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фондининг 25 миллион сўмлик гранти ғолиби бўлганди. Ушбу лойиҳа орқали 11 та кўчага 18 та видеокузатув камералари ўрнатилди. Шукрки, шу вақтгача йиғинда ҳуқуқбузарлик ҳолатлари кузатилмади.



Шерзод САЙДУЛЛАЕВ,
Самарқанд шаҳридаги
Мир Саид Барака номи
маҳалла раиси.

НУҚТАИ НАЗАР

«Ёрдам сўраганни қуруқ қайтарар эдик...»



Бугун барча муаммолар маҳалланинг ўзида ечим топишига урғу берилляпти. Бунда инфратузилма, коммунал масалалардан тортиб, бандликни таъминлаш, ижтимоий ҳимоя, тадбиркорликни ривожлантириш жараёнларига эътибордан четда қолмаяпти. Жумладан, айна ишлар натижасида туман марказдан олисда жойлашган маҳаллаи обод ва кўркам масканга айланди.

Ҳозир маҳаллада 3 377 нафар аҳоли истиқомат қилади. Ўтган давр мобайнида бунёдкорлик ишлари доирасида мавжуд олти кўчанинг 4,4 километр қисми асфальтланиб, қарийб 7,8 километрга шағал тўқилди ва 900 квадрат метр пиёдалар йўлаги қурилди. Худудда 24,8 километр ичимлик сув тармоғи тортилиб, маҳалла аҳолиси тўлиқ оби-ҳаёт билан таъминланди. Қолаверса, 300 та темир-бетон таянч ўрнатилиб, 13,3 километр электр тармоғи янгиланди.

Бу жараёнда аҳоли бандлигини таъминлаш, соғлигини тиклашга алоҳида эътибор қаратилди. Натижада 90 нафар фуқаронинг бандлигига кўмаклашилди, 18 нафари касб-хунарга йўналтирилди. Тадбиркорлик ва ўзини ўзи банд қилиш мақсадида фаолиятини бошламоқчи бўлган ишсиз 18 нафар фуқарога 406 миллион сўмлик асбоб-ускуна ва меҳнат қуроллари кредит ва субсидия асосида олиб берилди. Шу билан бирга, 24 нафар фуқаро

вилоят ва туман миқёсида даволаниши учун йўланма олган бўлса, 520 нафар беморга бепул дори-дармон тарқатилди. «Аёллар дафтари»даги 27 нафар хотин-қизга 16,2 миллион сўм, «Ёшлар дафтари»даги 9 нафар ёшга 55 миллион сўмлик амалий ёрдам кўрсатилди.

Эътиборлиси, 250 миллион сўм маблағ эвазига маҳалла идораси бинноси жорий таъмирланди. 120 миллион сўм маблағ сарфланиб, «Уч авлод маскани» қуриб, фойдаланишга топширилди. Шунингдек, сунъий қопламали мини-футбол, стритбол ва варкаут майдончаси бугун ёшлар ихтиёрида. Улар энди ҳар кун мунтазам равишда спорт билан шуғулланиши мумкин.

Маҳалла обод, аҳоли тинч, энди фақат жонқуярлик билан ишлаш керак. «Маҳалла еттилиги» жорий этилаётгани бунда бизга қўл келади. Негаки, бугунгача айрим ҳолларда маҳаллага ёрдам сўраб келган фуқарони қуруқ қайтаришга мажбур бўлардик. Боиси қўлимизда маблағ йўқ. Ҳатто баъзилар маҳалланинг ўзи кўмакка муҳтожлигини кўриб, ёрдам сўрашдан ийманарди. Эндиликда «еттилик» тизими йўлга қўйилгач, ижтимоий масалаларни ҳал этиш, муҳтожларга ёрдам кўрсатиш имконияти ошади. Бунда «Маҳалла бюджети» тизими орқали йиғиладиган, Бандлик, Касаначилик, Жамоат ишлари жамғармалари ҳисобидан маҳаллага бериладиган маблағлар асқотади. Қолаверса, кимга кўмак кўрсатиш кераклиги маҳалланинг ўзида ўзаро ҳал қилинади. Вилоят ёки туманга боғлиқлик йўқолади. Натижада ваколатимиз доирасида ҳар қандай ёрдамни вақтида кўрсатиш имконияти ошади. Бу ўз навбатида маҳалланинг аҳоли орасида ўрни ва мавқеи ошишига хизмат қилади.

Искандар ЭГАМОВ,
Қизилтепа туманидаги
«Хонраб» маҳалласи раиси.

МЕНДА САВОЛ БОР...

Қаҳрамон ЯРАШОВ,
Шофиркон туманидаги
«Дўрмон» маҳалласи раиси:

— Ҳозирда ҳоким ёрдамчиси кўмагида тадбиркорлик қилиш истагидаги фуқароларга оилавий тадбиркорлик дастурлари доирасида имтиёзли кредитлар ажратилипти. Жорий йилнинг 18 декабрь куни Президент раислигида ўтказилган видеоселектор йиғилишида эндиликда шу мақсадлар учун 50 миллион сўмгача гаровсиз кредит ажратилиши айтилди. Шу ҳақда маълумот берсангиз...

50 миллион сўмгача гаровсиз кредит берилади... (ми?)



Севара ЎРИНБОЕВА,
Адлия вазирлиги масъул ходими:

— Дарҳақиқат, Президент раислигидаги видеоселектор йиғилишида оилавий тадбиркорлик дастурлари доирасида ўз микро-бизнесини йўлга қўйган ва ижобий кредит тарихига эга аҳолига 50 миллион сўмгача гаровсиз кредитлар (ҳозирда унинг миқдори 33 миллион сўмгача) бериш йўлга қўйилиши айтилди. Қолаверса, йиғилишда ҳозирда 2 миллион 400 минг аҳоли ўзини ўзи банд қилувчи сифатида рўйхатдан ўтгани ҳисобга олиниб, уларга бизнесга биринчи қадам учун кредит бериш таклифи билдирилди. Бунда йиллик 340 минг сўм ижтимоий солиқ тўлаган аҳолига имтиёзли кредит ажратилиб, «онлайн» усулда банк картасига ўтказилади. Бундан ташқари, фаолиятини кенгайтириб, тадбиркор бўлиш истагидаги аҳолига 100 миллион сўмгача гаровсиз кредит берилади, 50 фоизи банк картасига ўтказиб берилади.

Умуман олганда, амалдаги тартиб бўйича оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари доирасида 18 ёшдан ошган барча фуқароларга ва тадбиркорлик субъектларига йиллик 14 фоиз ставкада имтиёзли кредитлар ажратилади. Унинг муддати фаолият турига боғлиқ. Хусусан, кредитлар чорвачилик, балиқчилик, кўнчилик, асарчилик, паррандачилик учун — 1 йилгача имтиёзли давр билан 3 йил муддатга, боғдорчилик (кўчатчилик), узумчилик, иссиқхона қуриш учун — 3 йилгача имтиёзли давр билан 7 йилгача муддатга, оилавий меҳмон уйлари ташкил этиш учун — 1 йилгача имтиёзли давр билан 5 йилгача муддатга берилади.

Яна бир жиҳат — узоқ муддатга қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер майдонларини ижарага олган деҳқон хўжалиқларига ва кичик тадбиркорлик субъектларига 50 миллион сўмгача, микрофирма ва кичик корхона ташкил этган шахсларга 300 миллион сўмгача миқдорда микрокредитлар ажратилади.

Имтиёзли кредит олиш учун «www.oilakredit.uz» веб-сайтидан «Ариза юбориш» тугмасини босиб, сўралган маълумотларни кетма-кетликда киритиш керак. Аризалар инсон омилсиз, скоринг баҳолаш натижаларига кўра, автоматлаштирилган ҳолда, аризагининг кредит тарихи, муомалага лаёқатлилиги, солиқ органлари, мажбурий ижро бюроси органлари ва бошқа тўловлардан қарздорлиги мавжуд ёки йўқлиги текширилади.

МЕНДА САВОЛ БОР...

Галпак ТАГАНБЕРДИЕВ,
Тахташ туманидаги
Найман овул фуқаролар йиғини раиси:

— Байрам кунлари аҳолининг оила давраида ҳордиқ чиқариши учун 3-5 кун таътил берилиши анъанага айланди. Бу орқали кўпчилик узоқ қишлоқлардаги қариндошларидан хабар олиш, оилавий туризм манзилларида бўлиш имконига эга бўлмоқда. Айтингчи, 2024 йил арафасида ўзбекистонликлар неча кун дам олади?



Янги йилда неча кун дам оламиз?

Фаррух ЖўРАЕВ,
Адлия вазирлиги масъул ходими:

— Айтиш керакки, расмий дам олиш кунлари Президент фармони билан белгиланади. Хусусан, яқунланаётган йилдаги шундай саналар «2023 йилда расмий саналарни нишонлаш даврида қўшимча ишланмайдиган кунларни белгилаш ва дам олиш кунларини кўчириш тўғрисида»ги Президент фармонида қайд этилган.

Унга кўра, иш ҳафтасининг туридан қатъи назар, барча ходимлар жорий йил охири ва янги йил аввалида қаторасига уч кун — 30-31 декабрь ва 1 январь кунлари дам олишади. Яъни олти кунлик иш ҳафтасида ишлайдиган ходимлар учун 2023 йил 30 декабрь — шанба қўшимча дам олиш кунини деб белгиланган. 1 январь — меҳнат қонунчилигига мувофиқ, барча ходимлар учун ишланмайдиган байрам кунини ҳисобланади.

Янги 2024 йил аввалидаги иш ва дам олиш кунлари ўзгариши мумкин. Бу Президентнинг «2024 йилда расмий саналарни нишонлаш даврида қўшимча ишланмайдиган кунларни белгилаш ва дам олиш кунларини кўчириш тўғрисида»ги фармони қабул қилингач, маълум бўлади. Ҳозирча ҳужжат қабул қилинмади, ўтган йили шундай фармон 23 декабрда имзоланган.

САРҲИСОБ

«Ҳар бир тадбиркорда 10 нафар фуқаро банд»



3040 нафардан зиёд аҳоли, 550 та хонадондан иборат маҳалла 1-секторга қарашли бўлиб, барча соҳада етакчи ҳисобланади. Асосий «драйвер» — деҳқончилик ва чорвачилик. 138 та хонадоннинг қўшимча деҳқон хўжалиги ерлари мавжуд, 320 та хонадонда чорвачилик ташкил этилган.

Аҳоли муаммоларини ҳал этиш, янги иш ўринлари яратиш, жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликни олдини олиш каби соҳа ва йўналишлар ривожига аввало, қўйи бўғинда эътибор қаратилмоқда. Худудда 8 та хусусий тадбиркорлик субъекти фаолият олиб бормоқда. Ҳар бирида камида 10 нафар фуқаро бандлиги таъминланган. Айниқса, томорқадан самарали фойдаланиб келинмоқда. Масалан, Янги Ўзбекистон кўчасида яшовчи Тожихон Абдурахмонова ҳоким ёрдамчиси кўмагида томорқасида 1 сотихли ихчам иссиқхона қурди. Бу ерда помидор, бодринг, булғор қалампери етиштирилади. Очиқ майдонда картошка, сабзи, қарам парваришланмоқда.

Аҳоли бандлигини таъминлаш, қасаначиликни ривожлантириш йўналишида истиқболли лойиҳалар татиқ этилмоқда. Хотин-қизлар фаоли

ташаббуси билан бўш турган биноти хусусий тадбиркор Аҳаджон Мўйдинов фойдаланишга олиб, тикувчилик корхонаси ташкил этди. Бунинг учун 400 миллион сўм маблағ йўналтириди. Бундан ташқари, 2 йил муддатга 10 фойзга лизинг асосида 20 донга замонавий дастгоҳ сотиб олди. Натижада 20 нафар аёл доимий иш ўрнига эга бўлди. Уларнинг 4 нафари «Аёллар дафтари»да рўйхатда туради. Мақсудали Инъомжонов ва яна 2 нафар ишсизга ҳоким ёрдамчиси кўмагида юк ташишга мўлжалланган мотоцикл берилди. Олвализор кўчасида яшовчи Назокат Турсунова яшаш хонадонидида мустақил равишда тикувчилик билан шуғулланиб келарди. Ҳоким ёрдамчиси ва хотин-қизлар фаоли ёрдами билан унинг фаолияти янада кенгайдиган бўлди. Қўшимча тикув машинаси олиш учун тавсия берилди.

Маҳаллада оилавий муносабатларни мустаҳкамлаш, ажралишларни олдини олишга катта эътибор берилди. Шунинг учун 2023 йил давомида 30 ёшгача бўлган оилалар орасида бирорта ажралиш ҳолати қайд этилмади.

Адҳам БОБОЕВ,
Чортоқ туманидаги
«Дамариқ» маҳалласи раиси.

ТАКЛИФ

«Муаммолардан туман ҳокими хабардор»

Маҳаллада 2 767 нафар аҳоли яшайди. Асосий «драйвер» — тадбиркорлик. Чунки худудда яшовчилар кўп қаватли уйларда истиқомат қилади. Яъни бизда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришга шароит йўқ. Шундай бўлса-да, Боғибаланд кўчасида жойлашган экин майдонида 50 сотихли анорзор ташкил этилди.

Йил бошидаги хатловда 50 нафардан ортиқ ишсиз рўйхатга олинган бўлса, бугунга келиб, уларнинг сони 10 нафар қолди. 5 нафар ишсиз аёлга субсидия асосида тикув машинаси олиб берилди. Иш шу билан тўхтаб қолмади. Аксинча, тикув машинаси олган хотин-қизлар даромадли юмуш билан банд қилинди. Яъни, таъминотчи корхона бириктирилиб, у орқали хомашё етказиб берилмоқда. Аёллар тайёр маҳсулот шаклида яна таъминотчига қайтармоқда.

Айни пайт яқунланаётган 2023 йил маҳалла учун баракали ўтмоқда. Жумладан, жорий йил «2022-2023 йилларда маҳаллалар инфратузилмасини янада яхшилаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Президент қарорига кўра, Боғибаланд кўчасининг 820 метр қисмига, Обод кўчасининг 120 метр масофасига асфальт ётқизилди. 730 метр ичимлик сув тармоғи янгиланди. 24 та симёғоч бетон устунга алмаштирилиб, янги кабель тортилди. Аҳоли истиқомат қиладиган 16 та кўп қаватли уйнинг том қисми ёпилди.

Ўз навбатида 2024 йилга режа тузганмиз. Унга асосан, Обод кўчасининг 100 метр қисми асфальтланиши белгиланган. Худудда жойлашган 158- ва 160-уй орасига болалар майдончаси қуриш лозим. Боғибаланд кўчасидаги эски трансформатор қиш кунда электр таъминоти етказиб беришга қучсизлик қиляпти. Натижада хонадонлар ва кўп қаватли уйларда электр узилиш кузатилмоқда. Шунинг учун мавжуд трансформаторни янгисига алмаштириш керак.



2024 йилдаги энг муҳим режамиз — маҳалла бинотини таъмирлаш. Айни пайт жойлашиб турган бино бундан 5 йил аввал таъмирланган, хоналар етишмайди. 5 та хона бўлгани учун ёшлар етакчиси билан бирга ишлаяпмиз. Бугун бир иложини қиляпмиз. Аммо эртага «маҳалла еттилиги» тўлиқ иш бошлагач, хона етишмовчилиги яққол кўзга ташланади. Бу масалани туман ҳокимлигига билдирганмиз. Уйлаймизки, 2024 йилги маҳаллий дастур асосида юқоридаги таклиф ижобий ечим топади.

Ақромжон ЙЎЛДОШЕВ,
Хонобод шаҳридаги «Мустақиллик»
маҳалласи раиси.

МЕНДА САВОЛ БОР...

Муҳиддин КОМИЛОВ,
Чортоқ туманидаги Алихон
номли маҳалла раиси:

— Маълумки, худудлардаги шароитдан келиб чиқиб, фуқаролар йиғинлари бир-биридан фарқ қилади. Масалан, бизнинг маҳалла туман марказидан олисда жойлашган. Қолаверса, аҳоли сони ҳам фарқ қилади. Қонунчиликда мана шу жиҳат инобатга олинганми? Маҳалла жойлашуви ва аҳоли сонига кўра, тоифага бўлинадими?

Фуқаролар йиғинлари қандай тоифаларга бўлинади?

Тўлқин ТОҒАЙҚУЛОВ,
Камбағалликни қисқартириш
ва бандлик вазирлиги
мутахассиси.

— Фуқаролар йиғинлари фаолиятини ташкил этишнинг самарали тизимини ишлаб чиқиш ва жорий этиш мақсадида барча фуқаролар йиғинлари географик жойлашуви ва аҳоли сони бўйича тоифаларга ажратилади.


Унга кўра, географик жойлашуви бўйича шаҳарда, туман марказида, туман марказигача 30 км. бўлган масофада, туман марказидан 30 км. ва ундан олис масофада, тоғли ва чўл худудидида, чегара (ёки анклав) худудда жойлашган фуқаролар йиғинлари каби тоифаларга бўлинади.

Ўз навбатида аҳоли сони бўйича фуқаролар йиғинлари 1000 нафаргача аҳолиси бўлган,

1001 — 2000 нафаргача аҳолиси бўлган, 2001 — 4000 нафаргача аҳолиси бўлган, 4001 — 6000 нафаргача аҳолиси бўлган, 6001 — 8000 нафаргача аҳолиси бўлган, 8000 нафардан зиёд аҳолиси бўлган маҳаллаларга ажратилади.

Меҳнатга ҳақ тўлаш ва бошқа имтиёзлар тақдим этишда фуқаролар йиғини тоифасига қаралади.

Масалан, «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ходимларини ижтимоий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Президент фармони асосан, худудидида хонадонлар сони мингта ва ундан ортиқ бўлган фуқаролар йиғини раисларнинг ойлик лавозим маошлари 35 фойзга оширилади.



ТАЖРИБА

«Кўчиб кетишдан қўрқиб, жиноятга қўл урмайди»



Маҳалламиз тумандаги намунали худудлардан саналади. Бу ерда 760 та хонадонда 4 468 нафар аҳоли истиқомат қилади. Асосий «драйвер» — картошкачилик ва кўкатчилик. Деярли ҳар бир хонадон шу фаолият билан шуғулланади. Шунинг ортидан тўй қилиб, уй қураётганлар, Ҳаж сафарига бораётганлар кўп.

Худудда 10 та кўча бор. 3-4 йил олдин уларнинг барчасига ичимлик сув тармоғи тортиб келинди. Бироқ ишлар чала қолиб, барча кўчаларнинг ярмига қадар сув етиб борди. Қолган ярми

сувни ташиб ичишга мажбур бўлаётганди. Шу ўринда маҳалла фаоллари ташаббус кўрсатиб, бу ишларни ҳашар йўли билан охирига етказишга қарор қилдик. Шу мақсадда ҳар бир хонадон-

дан қурби етгунча пул йиғилди, айримлар асбоб-ускуналардан ҳомийлик қилди. Хуллас, қисқа фурсатда барча кўчалардаги хонадонларни сув билан таъминладик.

Йўл билан боғлиқ масала босқичма-босқич ҳал этиляпти. Хусусан, Ибн Сино кўчасида 1 километр, Амир Темур кўчасида 400 метр (750 метр шағал), ал-Бухорий кўчасида 600 метр

(500 метр шағал) ички йўллар асфальтланди. Махтумқули кўчасининг 960 метрига бетон қопламаси ётқизилган бўлса, ат-Термизий кўчасида 360 метр, Истиқлол кўчасида 1 километр, Бодомзор кўчасида 400 метр масофа шағаллаштирилди. Бу борадаги ишлар давом этапти.

Энди асосий масалага келсак. Бундан олти йил аввал маҳалла оғир аҳволдаги, криминоген вазияти салбий ҳудуд ҳисобланган. Хусусан, 10 нафар ҳуқуқбузарликка мойил фуқаролар бор эди. Тараф-тараф, тўда-тўда бўлиб жанжаллашиш кўпайиб қолганди. Одамлар арзимас масалани ҳам кўчада ҳал қиладиган бўлди. Туман ички ишлар бўлими билан маслаҳатлашиб, худудга забардаст, сўзи ва иши қатъий, тартиб интизомни биринчи ўринга қўядиган профилактика инспекторини жўнатишларини сўрадим.

Хусанбой Уринбоев шундай йигит эди. Маҳалладаги дастлабки ишини тартибни ўрнатишдан

бошлади. Аввалига ҳуқуқбузарликка мойиллиги бўлган шахслар билан яккама-якка суҳбатлар ўтказди. Сўнгра қонунни менсиманган, тартибни тан олмаганларга нисбатан қонуний чоралар кўрди. Мана, олиб борилган ишлар натижасида бугун маҳалла обод, жиноятчиликдан ҳоли худудга айланди.

Яна бир гап: ҳозирда маҳалла аҳли шунчалик аҳил-иноқ яшайдики, худудда кимдир жиноятга қўл урса, уларнинг ўзи ихтиёрий равишда маҳалладан кўчиб кетишади. Уларни кимдир ҳайдамайди, маҳалла тазйиқ ўтказмайди, кўча-кўйда юришдан уялганидан, қилмишидан пуншаймон бўлиб чиқиб кетишади. Бу — жамоатчилик назоратининг тўғри йўлга қўйилгани, худудда ҳамжихатлик, бирдамлик қарор топганининг натижасидир.

Алибой ҚОРАҚУЛОВ,
Жарқўрғон туманидаги Алишер Навоий номли маҳалла раиси.

ТАКЛИФ

«Ёшлар тажрибали деҳқонларга бириктирилса...»

Маҳалламиз энг чекка худудлар сирасига киради: туман марказидан 35 километр олисда жойлашган. Бу ерда 610 та оилада 2 600 нафардан зиёд аҳоли яшайди. Маҳалламизда сўнгги уч ой давомида амалга оширилган ишлар тўғриси одамларнинг ҳаётдан рози бўлиб яшаш учун барча шароит яратилди, худуд шаҳарча тусини олди.

Келинг, фикримни аниқ мисоллар ёраида давом эттирай. Бунёдкорлик ишлари доирасида 80 та хонадон таъмирланиб, 1 километр давлат ахмиятидаги, 1,7 километр ички йўлга асфальт, 13,1 километр тупроқ йўлга тош ётқизилди. 1 350 метр пиёда йўлаги қурилиб, 7 та трансформатор пункти таъмирланди. 71 та темир-бетон устун ўрнатилиб, 4 километр оқова сув тармоғи қазилди. Янги маҳалла идораси, тикувчилик цехи қурилди. Ҳозирда яна 1,2 километр йўлни асфальтлаш, пиёдалар йўлакчаси қуриш, тунги ёритиш чироқлари, йўл четларига воиш усулида узум тоқларини ўрнатиш ишлари давом этапти.

Этиборлиси, бу жараёнда нафақат «Боғи эрам», балки «Гулистон», «Файзиобод», «Моҳият», «Чегарачи» каби маҳаллаларни туман маркази билан боғлайдиган таъмирталаб кўприк 2 миллиард 850 миллион сўм маблағ эвазига тубдан реконструкция қилиниб, бешта маҳаллага транспорт қатнови учун қулай шароит яратилди. Бу каби ўзгаришлардан одамлар мамнун. Зеро, йиллар давомида йиғилиб қолган инфраструктура билан боғлиқ муаммолар худуд аҳлини қийнаб келарди. Уч ой давомида бажарилган ишлар кўнглимизни тоғдек кўтарди.

Таклифлар масаласига келсак,



маҳалламиз қишлоқ худуди саналади. Шунга кўра, бу каби худудларда имкон қадар ишлаб чиқариш, тикувчилик корхоналарини кўпроқ қуриш керак. Биринчидан, бу орқали йигитларнинг меҳнат миграцияси асосида четга чиқиб кетишининг олди олинади, улар шу ернинг ўзида ишли бўлади. Иккинчидан, бу жойларга кўпроқ аёлларни жалб қилиш лозим. Зеро, қишлоқ аёллари фақат уй ишлари ёки бола тарбияси билан чекланиб қолмаслиги керак. Маҳалламизда тикувчилик корхонаси айна шу эҳтиёж тўғрисида қурилди.

Шу билан бирга, қишлоқ жойларда ер кўп бўлади, уларни имкон қадар ёшларга бўлиб бериш керак.

Тўғри, ҳозирда 30 сотихдан 1 гектаргача ер майдони ижара асосида йигит-қизларга бериляпти. Бу борадаги ишларни давом эттириб, ерга ишлов бериш учун асбоб-ускуна, экиш учун уруғлик ажратиш, ер илмини ўргатиш учун тажрибали деҳқонларни бириктириш лозим. Боиси улар ҳали тажрибасиз, бир-икки марта кутилганидек натижа бўлмаса, ердан совиши мумкин. Демак, бу борада ёшлар билан доимий иш олиб бориш, уларни қўллаб-қувватлаш даркор.

Зокир АЛИЁРОВ,
Музработ туманидаги «Боғи эрам» маҳалласи раиси.

МЕНДА САВОЛ БОР...

Сайдулло САЛОМОВ,
Бойсун туманидаги «Чилонзор» маҳалласи раиси:

— Маҳалламиз тоғли худудда жойлашгани боис ҳар йил куз-қиш, баҳор фаслида сел, тошқинлар бўлиб туради. Афсуски, айрим ҳолларда бундай табиий офатлар аҳоли мулкига, хонадонларга зарур етказилади. Айтингчи, агар сел оқибатида тураржойлар зиён кўрса, компенсация бериладими?

Сел уйларга зарар етказса, компенсация бериладими?

Сардор РАҲМОНОВ,
Адлия вазирлиги масъул ходими:

— Уй-жой кодексининг 19-моддаси ҳамда «Давлат уй-жой фондидан хусусийлаштириш тўғрисида»ги қонуннинг 7-моддасига асосан, шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 20 январдаги тегишли қарори билан тасдиқланган «Уйлар ва турар жойларни уй-жой фондидан чиқариш тартиби тўғрисида»ги Низомнинг 9-бандига кўра, тураржойлари табиий офатдан зарар кўргани белгиланган тартибда тан олинган фуқароларга текинга уй-жой берилиши белгиланган.

«Белгиланган тартибда тан олинган» дегани нима? Масалан, «уйим табиий офатдан зарар кўрди», деб даъво қилаётган шахснинг уйи ҳақиқатдан табиий офатдан зарар кўрган бўлиши керак ва уйнинг ҳолати ўрганиб чиқилганда, уйнинг вайрон бўлишига табиий офатнинг таъсири бўлгани кўриниб турган бўлиши зарур. Айтилик, сел келиши натижасида уй вайрон бўлган бўлса, бу табиий офат натижаси ҳисобланади, лекин уйнинг эгаси ўзи атайдан сунъий офат яратиб, уни табиий офат деб кўрсатиши қабул қилинмайди.

Айтиб ўтилганидек, шахсга бошқа уй берилиши учун уйга етган зарар табиий офат, яъни енгил бўлмас куч натижасида бўлган бўлиши ва реалликни ўзида ифодалаши керак.

ТАКЛИФ

«Тегирмон божхонадан ўтказилса, 60 та иш ўрни яратиларди...»

Маҳаллада 3 178 нафар аҳоли яшайди. Асосий «драйвер» — қишлоқ хўжалиги. Ҳар бир хонадон супурги етиштиришга ихтисослашган.

2023 йил мобайнида инфраструктурани яхшилаш мақсадида 7 км. кўча шағалланди. Маржонбулоқ ва Настарин кўчасининг 570 метр қисми асфальтланди. Мингчинор, Урикзор, Янгийўл, Янгиобод, Мадакдор кўчалари шағалланди. 2 та зах сувларни қочирадиган зовур қурилди. Биттаси таъмирланди. Янги трансформатор ўрнатилди. Эски сув тортиш дренажининг 7 км. қисми янгиланди. «Ташаббусли бюджет» лойиҳасига киритилган 4-мактабга спорт майдони қуриш таклифи ғолиб чиқди. Ҳомийлик асосида битта кўп қаватли уй тўлиқ таъмирланди. 3 км. темир бетон ариқ қазилди. Натижада 150 та аҳоли томорқасида оқовасув таъминоти яхшиланди.

Маҳаллада аҳоли бандлигини таъминлаш учун, ҳудуддаги солиқ касб-хунари коллежи биносининг бир қисмида 10 турга яқин болалар кийимларини ишлаб чиқаришга ихтисослашган тикувчилик корхонаси очилди. Маҳсулотлар асосан ички бозорга сотилади. Келгусида муайян қисмини экспортга йўналтириш режалаштирилган. «Sardoba universal Cluster» МЧЖ ҳомийлигида ташкил этилган корхонанинг лойиҳа қиймати 2 милли-



ард сўмга тенг. Корхонага 66 та тикув машинаси, 25 та аверлок, 10 та дазмолловчи, 4 та ранг босувчи ҳамда 6 та қадоқловчи дастгоҳ ўрнатилган. Яратилган 100 та янги иш ўрнига «Аёллар дафтари» ва «Ёшлар дафтари»га киритилган хотин-қизлар қабул қилинди. Ишчиларнинг самарали меҳнат қилиши учун ошхона, кийиниш ва ювиниш, тиббиёт хонаси мавжуд. Уларга иш ҳажмига қараб, 4 миллион сўмгача ойлик маош тўланади. Аҳамиятлиси, бу ерда мактаб ўқувчиларини касбга ўргатиш амалиёти йўлга қўйилди. Ойига 15 минг донатайёр маҳсулот ишлаб чиқариш қувватига эга. Бундан ташқари, 2 та хунармандчилик корхонаси ташкил этилди. 7 нафар ишсиз фуқарога субсидия ажратилди. Натижада қишлоқ хўжалиги,

қандолатчилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш, тикувчилик, касметология йўналишида янги иш ўринлари яратилди. Бандликни таъминлаш учун 16 гектар ер фуқароларга аукцион орқали 50 сотихдан берилди. 7 та хусусий корхона ташкил этилди. 65 нафар фуқарога 1 миллиард 112 миллион сўм кредит ажратилди. Йил бошида 198 нафар ишсиз аниқланган эди. Ўтган даврда уларнинг 100 нафардан ортиғи ишга жойланди. Аммо меҳнат бозорига кириб келган мактаб битирувчилари, хориждан қайтган мигрантлар ҳисобига охириги хатловда 122 нафар ишсиз рўйхатга олинди.

Таклифим — бандликни таъминлаш учун аҳолига янада кўп унумдор ер ажратиш керак. Иш ўрни яратиш мақсади-



да ҳудудда инвестиция дастури асосида суткасига 60 тонна маҳсулот ишлаб чиқарадиган тегирмон ўрнатиш белгиланган. Аммо Хитойдан олиб келинган ун тегирмони божхонадан ўтказилмапти. Агар шу масала ҳал бўлса, 60 нафар янги иш ўрни яратилади. Бундан ташқари, маҳаллани бошқа ҳудудлар билан боғлай-

МЕН ОБУНА БЎЛДИМ, СИЗ-ЧИ?



Акбар
АБДУЛЛАЕВ,
Фориш
туманидаги
«Қизилқум»
маҳалласи
раиси.

«Бизни тинглайди, мурожаатларимизни ёритади, ёрдам беради!»

— Инсон қанча кўп ишласа, тажриба ва малакаси шунча ортиб бораверади. Айниқса, маҳалла тизимида фаолият олиб бориш жараёнида турли-туман одамлар билан мулоқотда бўламиз, ҳар хил масалаларга ечим излаймиз. Шу жараёнда эса ўз-ўзидан ишончли манбаага эҳтиёж туғилади.

Бунда менга «Mahalla» газетасининг кўмаги жуда катта бўляпти. У бизни тинглайди, мурожаатимизни ёритади, кези келганда ёрдам беради. Бир сўз билан айтганда, «Mahalla» маҳаллаларнинг бир бўлагига айланиб улгурган. Шунинг учун ҳам анъанага содиқ қолган ҳолда, газетига 2024 йил учун обуна бўлдим.

диган асосий йўл Сардоба сув тошқинида яроқсиз ҳолга келганди. Шу йўл таъмирлаб берилса, узоғимиз яқин бўлиш баробарида янги савдо дўконлари ташкил этиш имикони пайдо бўлади.

Ғулумжон ЎСАРОВ,
Сардоба туманидаги «Ровот»
маҳалласи раиси.

МЕНДА САВОЛ БОР...

Юсуфжон МИЛТИҚБОЕВ,
Ғулистон тумани «Аҳиллик»
маҳалласи раиси:

— Эр хорижда ишлаш учун кетган аелини алимент ундириш учун судга берса, бу сумма қандай шаклда ҳисобланади. Яъни болаларга алимент қайси манбаа асосида белгиланади? Агар алимент ўртача ойлик иш ҳақи миқдоридан келиб чиқиб ҳисобланган бўлса, аёл Ўзбекистонга қайтгач, ўзини ўзи банд қилиб, алиментни шу даромади асосида қайта ҳисоблатса бўладими?




«Эр хотинидан алимент ундирса...»

Абборбек ЭЪЗОХОНОВ,
«Мадад» НТТ ҳуқуқшуноси:

— Суд қарорига асосан, алимент қарздорнинг иш ҳақи ва бошқа даромадларидан ундирилиши белгилаб қўйилади. Амалдаги солиқ кодексининг 369-моддасига асосан, ўзини ўзи банд қилган шахсларнинг меҳнат фаолияти натижасида олинган даромадлари жами даромад таркибига киритилмайди. Шунинг учун фуқаро алиментни Оила кодексининг 140-моддасига асосан, ўртача иш ҳақи миқдоридан келиб чиқиб тўлайди. Яъни 2 фарзанди учун ўртача ойлик иш ҳақи миқдори 3 миллион бўлса, шуни 33 фоизи алимент суммаси бўлади. Бу 1 миллион сўм дегани. Аммо юқоридаги ҳолатда фуқаро ариза берса, белгиланган алимент суммаси ўзгаришсиз қолади. Чунки ўзини ўзи банд қилган шахс меҳнат фаолиятидан топган даромади жами даромад таркибига киритилмайди.

Гулнора АБДУРАҲМОНОВА,
Чилонзор туманидаги «Кўтарма» маҳалласи раиси:

— Тадбиркор савдо қондасини бузиб, нақд пулни солиқдан яширган ва маълум миқдорда савдо пулини касса аппаратида кирим қилмаган. Бу ҳолатни солиқ органи ходими аниқлаб, унга 5 миллион сўм жарима белгиланган. Тадбиркор жаримани тўлаган. Аммо орадан деярли 1 йил ўтгач, бу иш яна судга чиқарилган. Суд 2 100 000 сўм жарима белгиланган. Аммо маъмурий иш тадбиркор иштирокисиз кўриб чиқилган ва қарордан хабардор қилинмаган. Натижада иш мажбурий ижрога йўналтирилган. Ҳозир тадбиркор бир қонунбузарлик учун икки марта жазоланмоқда. Шу тўғрими? Фуқарони хабардор қилмай, унинг иштирокисиз суд қарор чиқариши амалиётда белгиланганми?



«Қонунни бузган тадбиркор икки марта жазоланадими?»

Сарвар МАМАДИЕВ,
Чилонзор туман суди судьяси:

— Ҳақиқатан ҳам, қонунчиликда касса чекини бермагани учун тадбиркорга молиявий жарима белгиланган. Бундан ташқари, ҳолат ҳуқуқбузарлик, деб топилди, унга тегишли жарима белгиланади. Давлат раҳбари бир масала юзасидан тадбиркор икки марта жазоланаётганини танқид қилиб, шуни битта жазога келтириш бўйича Солиқ қўмитасига топшириқ берган. Аммо бу ўзгартириш қонунчиликка

ҳозирча киритилмади. Солиқ қонунчилигига ўзгартириш киритиш жараёни давом этмоқда.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 294-моддасига кўра, шахс судга чақирилганда кела олмаса, уни иштирокисиз иш кўриб чиқилиши мумкин. Юқоридаги ҳолатда агар фуқаро судга чақирилганда келмаган бўлса, уни иштирокисиз кўриб чиқилган. Суд маъмурий ҳуқуқбузар, деб топиб, жазо белгиланган. Бироқ фуқаро судга чақирилганини исботлай олса, апелляция тартибда қарор

бекор қилинади. Бу ҳолатда яна бир жиҳатни эътиборга олиш керак. Яъни жавобгар шахс молиявий жаримани 30 кун ичида тўласа ва у биринчи марта қонун бузган бўлса, унга нисбатан иш тугатилади. Демак, жавобгар молиявий жаримани тўлаган бўлса, иккинчи бор маъмурий жавобгарликка ториш нотўғри. Бундай вазиятда тадбиркор суд қарорини бекор қилиш бўйича апелляция шикоятни киритади.

НУҚТАИ НАЗАР

«Кичик ариқчалар бўлса, кўчада сув тўпланмайди»



Маҳалла «драйвери» – тадбиркорлик, ишлаб чиқариш. Ҳудудда қандалат ва печенье маҳсулотлари, аёллар сумкаси, оёқ кийимлар ишлаб чиқариш корхоналари ҳамда битта босмаҳона, учта автомобилларни тозалаш шохобчаси, супермаркет, кўплаб савдо дўконлари, маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари мавжуд.

Аҳолининг етмиш фоизи тадбиркорлик билан шуғулланади. Улар орасида доимий ҳомийлик ёрдамларини кўрсатувчи саховатпеша тадбиркорлар кўп. Ҳабибулло Абдусаматов, Акмалхон Ҳамидов, Даврон Ибрагимов, Алишер Шоғуломов, Ғанишер Шоғуло-

мов, Руслан Чубаев, Боқижон Абдусаматов шундай инсонлардан. Тадбиркор Алишер Шоғуломов «Оқтепа» футбол клубини ташкил этган. Ҳозир бу ерда 300 нафар ёшлар футбол билан шуғулланмоқда.

Йиғинда 27 та кўп қаватли тураржой бор. Ички кўчалар-

нинг барчаси асфальтланиб, бетонланган. Учта кўп қаватли уйнинг том қисми, 300 метр иссиқ сув қувурлари таъмирланди. Аҳоли саломатлигини таъминлаш учун оилавий поликлиника қурилди. Учта болалар ўйингоҳи фойдаланишга топширилган. Шу вақтга

қадар Мажлисий 4-тор кўчаси аҳолиси ер ости қувурлари йўқлиги сабабли кўплаб қийинчиликларга дуч келарди. Бу муаммо ҳал этилди. Жорий йил иккита трансформатор ўрнатилиб, 1,5 километр кабель тортилди.

Ёшларнинг спорт билан мунтазам шуғулланиши учун футбол ва теннис стадиони, кикбоксинг, бокс, волейбол, баскетбол клублари фаолият юритмоқда.

Эндиликда Гулҳаний кўчаси билан Арча кўчаси оралиғида сайлгоҳ қурилади. Унда маҳалла аҳолиси учун саломатлик йўлакчаси, болалар ўйингоҳлари, турли ўриндиқлар барпо этилиб, дам олиш масканига айлантирилади.

Ҳозирча ўтган йилги қаҳратон совуқда қузатилган талофатлар йўқ, барча камчиликлар ҳал этилган. Биргина муаммо, ёғингарчиликларда қузатиладиган сув тўпланишларни ҳал этиш учун кичик бетон ариқлар ўрнатилиши зарур.

Саъдулло УМАРОВ,
Шайхонтоҳур туманидаги
«Катта Оқтепа» маҳалласи
раиси.

БИЛАСИЗМИ?

Ёшлар нуронийларга бириктирилади



«Бир нуроний ўн ёшга масъул» тамойилига мувофиқ, ёшлар ҳар бир маҳалладаги ҳаётӣ тажрибага эга бўлган замонавий фикрлайдиган фаол нуронийларга бириктирилиши белгиланган.

Бунда:

☑ маҳаллалардаги ёшлар етакчилари «Кексалар маслаҳати» гуруҳлари билан биргаликда шакллантирилган рўйхатлар асосида 10 нафар уюшмаган ва муаммоли ёшлар нуронийларга бириктирилади;

☑ бой ҳаётӣ тажрибага эга зиёли, хунарманд, тадбиркор, фермер ва бошқа соҳа вакиллари бўлган нуронийлар ҳудудлардаги барча таълим муассасаларига боғланади.

ТАЖРИБА

«Аҳоли тиббий ёрдам учун шаҳарга қатнаётми»

Маҳалла шаҳар марказидан четроқда, Ўрта Чирчиқ тумани билан чегарадош ҳудудда жойлашган. Аҳолининг асосий даромади деҳқончилик ва чорвачилиқдан. Ҳақиқий деҳқонлар кўп. Улар кластернинг ғалла майдонларидан бўшаган ерларга такрорӣ экин сифатида картошка, фасол экади. Нурафшон шаҳрида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг қишки захирасини тўплашда маҳалла деҳқонларининг ҳиссаси катта.

Ҳозирда «тўқсонбости» экинлар экишган. Иссиқхонаси бор хонадон эгалари исмалоқ парваришламоқда. Ундан кейин помидор ва бодринг экиб, қиш-баҳор ойларида яхши даромад олади. Иссиқхонаси йўқлар апрель ойдан бошлаб, томорқа ерларига сабзавот ва полиз маҳсулотлари экишади.

Эллик фоиз аҳоли хонадонларида чорва моллари бор. Гўшт, сут ва қатиқ етиштиради. Куни кеча янги йил байрами арафасида аҳолига бозордан арзон нархларда гўшт тарқатилди. Аксарияти сут ва қатиқни бозорга чиқаришади. Уларнинг асосий харидорлари кўшни – «Юксалиш» ва «Тараққиёт» маҳаллаларидаги кўп қаватли тураржойларда яшовчи аҳоли. Яхшилиги, кўп қаватли уйларида турувчилар сифатли ва табиий маҳсулотларни қулай нархларда олишади.

Йиғин ҳудудида кичик саноат зонаси ташкил этилиши, хурриятликлар учун катта имкониятлар яратмоқда. Кўпчилиги ишли бўлмоқда. Ҳозирда кабель, спорт оёқ кийимлари, бетон аралаштасма, турли бетон устунлар, 10 тонналик темир сув идишлари, рангли қувурлар ишлаб чиқариш корхоналари фаолият юритмоқда.

Уларда маҳалланинг етмишга яқин фуқаролари ишлашмоқда. Ҳатто ошпазу қоравуллари шу маҳалла фуқаролари. Келгусида мавжуд корхоналарнинг ишлаш қуввати янада ошади, янги корхоналар ташкил этилади. Натижада кўплаб ишсиз аҳоли ишли бўлади.

«Аёллар дафтари»га киритилган 60 нафар аёлга йўналишлар бўйича моддий, тиббий ёрдам кўрсатилди. Уйи таъмирга муҳтож уч нафар аёлнинг уйлари яхшиланди. Уч нафар фуқарога ногиронлик аравачаси олиб берилди. 75 нафар хотин-қизларга маданий ҳордиқ олишлари учун саёҳатлар, концерт ва театр томошалари ташкиллаштирилди. Тушқунликка тушиб қолган аёллар учун бепул психологик тренинглари ташкил этилди.

65 нафар аёл доимий ишга жойлаштирилди, 13 нафар хотин-қиз касб-хунарга ўқитилди. 16 нафар хотин-қизга субсидия асосида қандалатчилик асбоб-ускуналари, тикув машиналари олиб берилиб, бандлиги таъминланди. Хонадонларига қуёш панеллари ўрантилди. 22 нафар фуқарога 33 миллион сўм кредит ажратилиб, тикувчилик, паррандачилик ва чорвачиликка



йўналтирилди.

Ёшлар орасида чемпионлар кўп. Масалан, эркин кураш бўйича Аббор Наврўзов, эшак эшиш бўйича Дурдона Холтўраева ва Сардор Жумабоев вилоят ва республикада ғолибликни қўлга киритган.

Ҳудудда электр энергия, газ ва сувдан муаммо йўқ. Аҳоли тўлиқ ичимлик сув билан таъминланган. Жорий йил бешта кўчанинг биттаси асфальтланиб, иккитаси бетонланди. Тўртта кўчага тунги ёритгич чироқлари ўрнатилди. Битта носоз кўприк қайтадан қурилди. «Яшил макон» лойиҳаси доирасида 400 туп те-



рак, 200 туп нок, олма, олча каби мевали дарахт кўчатлари экилди.

Хусусий-шерикчилик асосида янги маҳалла биноси қуриляпти. Ҳозирда махсус жиҳозланган контейнерда фаолият юритяпти.

Йиғин аҳолиси тиббий ёрдам олиш учун 4-5 километрлаб йўл босиб, Нурафшон шаҳар оилавий поликлиникасига қатнамоқда. Бу кекса ва болали оналарга бироз қийинчилик туғдирмоқда. Айниқса, қиш ва ёз ойларида қатнаш қийин бўлмоқда. Шу сабаб, ҳудудда оилавий поликлиника ёки тиббий ёрдам пунктини ташкил этиш лозим.



Камол УМАРБОЕВ,
Нурафшон шаҳридаги
«Хуррият» маҳалласи раиси,
Нурафшон шаҳар Кенгаш
депутати.

ТАЖРИБА

«Унутилмас, қувончли воқеаларга гувоҳ бўляпмиз»



Яқунланаётган 2023 йил маҳалла аҳли учун унутилмас воқеаларга бой бўлди. Яшаш шaroитини яхшилаш, қулайликлар яратиш мақсадида инфратузилма билан боғлиқ муаммолар ҳал этилди.

Жумладан, Абай кўчасига 7 км. ичимлик сув тармоғи тортилди. Сардорлар кўчасининг 1 км., Қозоғистон кўчасининг 2

км. узунликдаги кўчаси асфальтланди. Оқбулоқ каналдан 5 минг метр масофада қувур тортиб, оқова сув олиб келинди. Ички кўчаларимизнинг 5 км. қисмига тунги чирок ўрнатилди. Эҳтиёжманд оилаларни қўллаб-қувватлаш мақсадида кам таъминланган, ота-онаси йўқ 17 ёшгача бўлган болаларга бепул кийим-кечак берилди. Ногиронлиги бор фуқароларга



озик-овқат маҳсулоти тарқатилди. Маҳаллада яшовчи Шоира Йўлдошевага юрак жарроҳлик амалиёти учун кўмаклашилди. Натижада бемор Тошкентда юрак жарроҳлик амалиётини ўтказиб қайтди. Қувонарлиси, бирор фуқаро муаммосига ечим топиш учун туман, вилоят даражасидаги раҳбарларга мурожаат қилмайди. Чунки барча масала маҳаллада ҳал этилмоқда.

Яна бир қувончли воқеа. Узоқ йиллардан бери маҳалла биносига эга эмас эди. Гоҳида мактаб, гоҳида ҚВПнинг бўш биносида вақтинча фаолият юритиб келардик. Бу албатта, иш самарадорлигига салбий таъсир этарди. Ниҳоят, орзуимиз ушалди. «Обод хонадон», «Обод кўча», «Обод маҳалла» мезони асосида янги маҳалла биноси қад ростлади. Унинг тантанали очилиш маросимида масъуллар иштирок этди. Бу ерда «бешлик» учун барча шaroит мавжуд.

2024 йилда режаларимизни белгилаб олганмиз. Аввало, ободонлаштириш ишини давом эттирамиз, бандликни таъминлаш учун тадбиркорлик субъектлари сонини оширамиз. Мақсад — ҳудудда ишсизликни тугатиш.

**Оязимхон ХИДИРОВА,
Арнасой туманидаги
«Зарафшон» маҳалласи раиси.**

МЕН ОБУНА БЎЛДИМ, СИЗ-ЧИ?

Умидахон
КИМЁНАЗАРОВА,
Бешариқ
туманидаги
«Қорақўйли»
маҳалласи
раиси.



«Қўлимда турса, кўнглим хотиржам бўлади»

— Тизимда иш бошлаганимдан буён «Mahalla» газетасини қўлдан қўймайман. Биламанки, унда доим барча саволларга жавоб бўлади. Аслида ҳам бир маҳалла аҳлига бош бўлган раҳбар ўз устида қанча кўп ишласа, шунча кам. Айниқса, бугунгидек шиддатли даврда ҳар соҳани бирдек олиб бормаса бўлмайди.

Тўғри, орамизда мана, тайёр интернет бор-ку, деб матбуотни четга сурадиганлар топилади. Ахир кўчада ким нима деса ишониб кетавермайсиз-ку. Шахсан ўзим бирор янгилик эшитадиган бўлсам, дарров газетани варақлайман. Фақат унда берилган маълумотларгагина тўлиқ ишонаман. «Mahalla» кўлимда турса, кўнглим хотиржам бўлади. Шу каби кўп жиҳатларни ҳисобга олган ҳолда нашрга келгуси йил учун обуна бўлдим.

МЕНДА САВОЛ БОР...

**Маъмуржон ОМОНОВ,
Фурқат туманидаги Шойимбек
номидаги маҳалла раиси:**

— Агар ходимни ишга тиклаш бўйича суд ишида унинг фойдасига қарор қабул қилинса, орада мажбурий ишга келмаган кунлар учун пул ундиришда ўртача ойлик иш ҳақи ҳисобланадими? Бунда берилган моддий ёрдам пули ўртача иш ҳақида қўшиладими?



«Ходим судда ютиб чиқса...»

**Ойбек РАВШАНОВ,
«Мадад» ННТ бош мухассиси:**

— Меҳнат кодексига асосан ходим ишга тикланганда мажбурий ишга келмаган кунларнинг бутун вақти учун ўртача иш ҳақи тўланади. Меҳнат кодексининг 257-моддасига кўра, ушбу кодексда назарда тутилган барча ҳоллар учун ўртача иш ҳақи ҳисобланадиган ойдан олдинги ўн икки ойни ташкил этувчи ҳисоб-китоб даври ёхуд агар ходим ўн икки ойдан кам ишлаган бўлса, амалда ишланган давр учун ҳисобланган иш ҳақидан келиб чиққан ҳолда белгиланади. Бунда тегишли ойдан олдинги 30 (31)-кунга қадар (февралда — 28 (29)-кунга қадар) бўлган давр охиригача кунни ҳам қўшганда календарь ой, деб ҳисобланади.

Ўртача иш ҳақини ҳисоблаш учун ходимга иш ҳақининг таркибига солиқ тўғрисидаги қонунчиликда назарда тутилган, солиқ солиниши лозим бўлган, иш берувчидан ҳақиқатда амалга оширилган тўловларнинг барча турлари ки-

ритилади. Солиқ кодексининг 377-378 моддаларига асосан қуйидаги моддий ёрдамларга меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг 4,22 барабарига қадаромад солиқ солинмайди:

вафот этган ходимнинг оила аъзоларига ёки оила аъзоси вафот этганлиги муносабати билан ходимга кўрсатиладиган;

меҳнатда майиб бўлганлиги, касб касаллиги ёхуд соғлиғига бошқача тарзда шикаст етганлиги билан боғлиқ ҳолда кўрсатиладиган;

бола туғилиши, ходим ёки унинг фарзандлари никоҳдан ўтиши муносабати билан кўрсатиладиган;

қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини бериш ёки уларни сотиб олиш учун маблағ бериш тарзида кўрсатиладиган моддий ёрдам.

Демак, Солиқ кодексининг 377-378-моддаларида кўрсатилган моддий ёрдамлар ташқари, барча моддий ёрдамлар ўртача иш ҳақини ҳисоблашда инobatга олинади.

**Абдуғаффор СИДДИҚОВ,
Янги Наманган туманидаги
«Ёшлик» маҳалласи раиси:**

— Маҳалла фаолиятидаги бош вазифалардан бири аҳоли бандлигини таъминлаш ҳисобланади. Хатловда рўйхатга олинган ишсизларни тумандаги корхона ва ташкилотларга ишга жойлаштириш учун йўналтириб борамиз. Гоҳида ишсиз фуқароларни ана шу корхона ёки ташкилот ишга қабул қилишни рад этади. Қонунчиликда ишга қабул қилиш қандай ҳолларда рад этилади?

«Қандай ҳолларда ишга қабул қилиш рад этилади?»

**Лазиз ҚАРШИЕВ,
Камбағалликни қисқартириш ва
бандлик вазирлиги бошқарма
бошлиғи:**

— Меҳнат кодексининг 119-моддасига асосан, ишга қабул қилишни қонунга хилоф равишда рад этишга йўл қўйилмайди.

Қуйидагилар ишга қабул қилишни қонунга хилоф равишда рад этиш ҳисобланади:

меҳнат ва машғулотлар соҳасида камситишни тақиқлаш тўғрисидаги талабларни бузиш;

иш берувчи томонидан ишга тақлиф этилган шахсни ишга қабул қилмаслик;

иш берувчи қонунга мувофиқ меҳнат шартномасини тузиши шарт бўлган шахсларни (иш ўринларининг белгиланган энг кам сони ҳисобига ишга юборилган шахсларни, иш берувчи алоҳида асослар бўйича меҳнат шартномасини бекор қилган шахсларни, улар қайта ишга қабул қилинган тақдирда ва бошқаларни);

ҳомилдорлик ёки фарзандлар борлиги билан боғлиқ сабабга кўра ишга қабул қилмаслик;

судланганлиги, шу жумладан тугалланган ва олиб ташланган судланганлиги сабабли шахсни ишга қабул қилмаслик. Бундан қонунчиликда назарда тутилган ҳоллар мустасно ёхуд шахсларни уларнинг яқин қариндошлари судланганлиги, шу жумладан тугалланган судланганлиги муносабати билан ишга қабул қилмаслик.

Ишга қабул қилиш рад этилган тақдирда, иш берувчи ишга қабул қилиш ҳуқуқига эга бўлган мансабдор шахсдан имзоланган ишга қабул қилишни рад этиш сабабларининг ёзма асосини ишга қабул қилиниши рад этилган шахснинг талабига кўра уч кунлик муддатда тақдим этиши шарт. Яъни, ишга кириш учун ариза берилса, уни рад этилганлиги юзасидан қонуний асосланган жавоб хати бериш керак.

МАҲАЛЛАДАН «Mahalla»ГА МАКТУБЛАР

«Газета ва журнал мутолаасидан билим ва тажрибамни бойитаман»



Ассалому алайкум, ҳурматли «Mahalla» газетаси Атаҳририятининг жонкуяр ходимлари! Сизларга сўлим ва бетакрор Ўзбекистоннинг туризм ҳудудига киритилган «Паргос» маҳалласининг келиб чиқиш тарихи ҳақида қисқача сўзлаб бермоқчиман.

Илгари бу ерлар қамишзор, батқоқлик ва тошлоқ ерлардан иборат бўлиб, у ер-бу ерда қамиш ва капалар кўринган. Булар узок Жийдали-Бойсуннинг турли овулларида тинч-осойишта ҳаёт кечириш-ни истаб, кўчиб юрган қозоқ оилаларининг вақтинчалик бошпаналари бўлган. Улар ўртаҳол деҳқонлар бўлиб, асосан, булоқ сувлари атрофларига жойлашган. Хар бир оилада бир от, бир сигир, бир неча кўй-эчки бўлган. Булоқ атрофларидан ерлар очиб, тарик, кўнок, буғдой, қовоқ, лавлаги каби экинлар экиб, деҳқончи-

лик қилган.

Пастликдан оқадиган Чирчиқ дарёси қирғоқларида, юқоридаги қир ва тоғ-ёнбағрларида овлаш учун турли парранда ва ҳайвонлар кўп бўлган. Сел бўлмаган пайтларда дарёдан истаганча балиқ овлаганлар. Атрофда ястаниб ётган қир-адирларда чорва молларини боқиб, кўпайтирган.

Бу ердан икки йўл ўтган. Бири Тошкентга Чирчиқ дарёси бўйидан, иккинчиси тоғ оралиғидан – Чимкентга, Сариеоғоч, Сайрам ва Турбатга бориладиган қатнов йўллари бўлган. Кекса авлод вакилларининг

айтишича, ҳозирги Паргос қишлоғида зулм ва зўравонлик кескинлашган, бир ҳовуч бойларнинг айтгани-айтган, дегани-деган замонларда халқ орасидан кўплаб иқтидор эгалари етишиб чиққан. Шулардан бири, Хондойлиқ қишлоғида туғилиб, кейинчалик Паргос қишлоғида яшашга мажбур бўлган, «Минг бир кеча» китобини биринчи марта ўзбек тилига таржима қилган Сидқий Хондойлиқ тахаллуси билан ижод қилган, ўз даврининг моҳир ҳаттоти сифатида танилган, халқ орасида табибчирилиги билан машҳур бўлган миришкор боғбон Сирожиддин Маҳсум Зоҳидхоновдир.

Ҳозирги кунда Сидқий Хондойлиқий ҳаёти ва ижоди кўпчиликни қизиқтирмакда. Унинг асарлари изланиб, ўрганил-

этилди.

Маҳалланинг асосий «драйвери» – деҳқончилик ва чорвачилик. Фуқароларнинг 78 фоизи давлат ташкилотларида ишлайди. Ҳудуддаги фермер хўжаликлари боғдорчилик, узумчилик ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришга ихтисослашган. Деҳқонлар етиштирган маҳсулотларини бозорларга чиқариб, оиласига даромад келтиряпти.

Маҳаллада иккита мактаб ва Чирчиқ педагогика университетини ҳузуридаги «То-воқсой» ихтисослаштирилган касб-хунар техникуми фаолият юритмоқда. Замон талаблари асосида жиҳозланган таълим муассасаларида малакали, ўз касбининг устаси бўлган ўқитувчи ва мураббийлар ёш авлодга таълим бериб келмоқда.

Жорий йил йиғиндаги барча ички кўчалар тўлиқ таъмирланиб, асфальт-бетон қопламаси ётқизилди. Яроқсиз ҳолга келиб қолган 1,5 километр ер ости сув қувурлари янгисига алмаштирилиб, хонадонларга тортиб берилди. Натижада аҳоли тўлиқ тоза ичимлик сув билан таъминланди. Аҳолини юқори тезликдаги интернет хизмати билан таъминлаш учун шиша толали симлар тортилмоқда. Ҳозирда қарийб 80 фоиз хонадон эгалари интернет – «Wi-Fi» тизимидан фойдаланмоқда.

Маҳалла ходимлари ўз биносига эга бўлмагани сабабли, ижарама-ижара биноларда фаолият юритиб келарди. Бу фуқароларнинг ҳақли эътирозига сабаб бўлар, маҳалла биноси, ходимларини излаб қийналишарди. Шукрки, бу муаммо ҳал этилди. Туман ҳокими ташаббуси билан замон талабларига жавоб берадиган, фуқароларни қабул қилиб, уларга хизмат қиладиган янги маҳалла идораси куририлди, фойдаланишга топширилди. Зарур мебель жиҳозлари, компьютер жамланмалари билан таъминланган.

«Яшил макон» умумий лойиҳаси доирасида кўчат экиш ишлари ташкиллаштирилиб, нуронийларнинг дуолари билан ёш авлод вакиллари ўз томорқалари ва бўш турган ер майдонларига мевали ва манзарали кўчатлар, қаламчалар экиб, ўз ҳиссаларини кўшди. «Нуронийлар ойлиги» доирасида ёши улуг фуқароларнинг Бухоро, Самарқанд, Хива шаҳарларига саёҳати уюштирилди.

Маҳалла раисидек ўта масъулиятли ва фахрли, аҳолининг оғир-енгили, иссиқ-совуғи, тўй-маъракасида бирга бўлиб, уларнинг хурсандчилиги, қийинчилик ташвишларига бирдай ечим топиб ишлашда «Mahalla» газетаси ва «Mahalla ko'zusi» журналининг мутолаа қилиб, билим ва тажрибамни оширяпман. Қолган ҳамкасб дўстларимга ҳам 2024 йил учун ушбу нашрларга обуна бўлишларини сўраб қоламан.

ТАКЛИФ

«Идорада ҳужжат билан ишлайдиган ходим керак»

Маҳалла шаҳар марказида жойлашган бўлиб, кўп қаватли уйлардан иборат. Аҳолининг етмиш фоизи ҳудуддаги «Оҳангаронцемент», «Оҳангарон металлургия қувур заводи» каби ўнлаб ишлаб чиқариш корхоналарида меҳнат қилади. Баъзилари ёндош – Оҳангарон туманидаги қишлоқ хўжалиги юмушларида мавсумий ишлайди.

Аслида бекорчи, ишсиз одамнинг ўзи йўқ, ишга яроқлиларнинг барчаси нимадир билан банд. Кимдир тамаддиҳоналарда ишласа, кимдир мавсумий ишларда, тикиш-бичиш, пишириқчилик қилиб даромад топаётганлар бор.

Жорий йил ана шундай ишлар билан 48 нафар фуқаро ўзини ўзи банд қилди. Уйда ўтирган олти нафар хотин-қиз субсидия асосида тикув машина ва газ плита олиб, рўзғорига қўшимча пул киритяпти. Айримлари касб-хунарга ўқитилди. Кўпчилик ёшлар «k-savdo.soliq.uz» платформаси орқали ижарага жой олиб, тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўймоқда. Ботир Эргашев шу тизим орқали маҳсус жиҳозланган контейнерда сартарошхона ва Раунет хизматини ишга туширди.

«Ёшлар дафтари» орқали 33 нафар ёшга мурожаатлари асосида моддий ёрдам кўрсатилиб, ўқув шартнома пуллари тўланди, ўзини ўзи банд қилиши учун асбоб-ускуналар олиб берилди. «Аёллар дафтари»даги 67 нафар хотин-қизга ўз йўналишлари бўйича зарур кўмак берилди.



Аҳоли муаммоларидан бири, кўп қаватли уйлар марказлашган иссиқлик таъминоти билан таъминланмаган. Имконияти етганлар ўз хонадонига мустақил иситиш тизими ўрнатиб олган. Етмаганлари электр иситиш печлари ёрдамидан фойдаланмоқда. Қувонарлиси, бу муаммо келгуси йилда ҳал этилиши режалаштирилмоқда.

Маҳалла раисининг вазифаси халқ билан мулоқотда бўлиб, уларнинг муаммоларини жойига чиқиб ҳал этишдир. Шу сабаб, асосий вақтимиз йигин ҳудудида,

хонадонларда ўтади. Шундай пайтда ҳужжат ишлари билан шуғулланадиган алоҳида ходимга эҳтиёж сезилмоқда. Бу барча раисларнинг муаммоси, десам адашмайман.

Яна бир таклиф, маҳаллаларда мавсумий жамоат ишчилари штати ташкил этилса, фарзанд тарбияси билан банд бўлиб уйда ўтирган аёллар ишли бўларди.

**Соҳиба ДАДАЕВА,
Оҳангарон шаҳридаги
«Бахт» маҳалласи раиси.**

**Ёқуб АСОМОВ,
Бўстонлик тумани
«Паргос» маҳалласи раиси.**

ТАЖРИБА

«Уйни сотган бошқаю жаримани тўлаган биз...»

Маҳалла «драйвери» деҳқончилик, чорвачилик ва тикувчиликдан иборат. Аҳоли фермер хўжаликлари ерларидан бўшаган майдонларга иккинчи экинга сабзавот маҳсулотлари ва чорва учун маккажўхори экиб, қўшимча даромад оляпти. Хонадонларда чорва моллари боқиб, аҳолига сут ва гўшт маҳсулотлари етказиб бермоқда. Томорқаларида ташкил этилган иссиқхонада помидор, булғор қалампирини ва турли кўкатлар парваришлаб, экспорт қилмоқда.

Маҳалла асосан, кўп қаватли уйлардан иборат. Шу боис, йўналишимиз тадбиркорлик ва хизмат кўрсатишга ихтисослашган. Асосан, кўп қаватли уйлар ертўласидан самарали фойдалинишни йўлга қўйганмиз. Жорий йил шу каби 17 та лойиҳа ишлаб чиқдик. Бу ерда олиб борилган кўкаламзорлаштириш ва ободонлаштириш ишлари натижасида кўчалар кўз қувонадиган ҳолатга келди. Бундан ташқари, тадбиркорликни ривожлантириш орқали ишсизликдан холи ҳудудга айлантиришга эътибор қаратиляпти.

Маҳалла ҳудудидаги кўп қаватли уйнинг ертўла қисмида Микроорганик ўсимликларни етиштириш кооперацияси ташкил этилди. Тадбиркор Тоҳиржон Абдусаматов ташаббуси билан 2002 йилда иш бошлаган ушбу кооперацияга жорий йил февраль ойида вилоят ҳокимининг илк ташрифидан сўнг аҳолини иш билан таъминлашга қаратилган лойиҳани амалга ошириш учун бошқарув сервис компанияси шаклида бириктириб берилган. Ҳозирда 25 нафар маҳаллада яшовчи, шу жумладан, «Аёллар дафтари»га киритилган хотин-қизлар сердаромад иш билан таъминланган. Компания «20 минг тадбиркор - 500 минг малакали мутахассис» дастури доирасида янги иш ўринларини яратиш устида иш олиб бормоқда.

Шунингдек, ҳудудда янги пардачилик корхонаси иш бошлади. «Аёллар дафтари»га киритилган Ҳақимахон Тўхтабоева ўтган йили мономарказда касбга ўқитилиб, субсидия асосида тикув машинаси берилди. «Ҳар бир оила - тадбиркор» дастури бўйича унга 33 миллион сўм имтиёзли кредит ажратилгани натижасида маҳаллада яшовчи 20 нафардан зиёд аёлларга иш ўрни яратилди.

Шаҳар ИИБ бошлиғи раҳбарлигидаги 3-сектор ҳудудидаги кирувчи маҳаллада жорий йил бошида 170 нафар ишсиз фуқаро бўлган. Ҳоким ёрдамчиси Арофатхон Мақсудованинг саъй-ҳаракати билан уларнинг 22 нафарига имтиёзли кредит ажратилиб, оилавий корхона ва ЯТТ очишга кўмаклашилди. 8 нафарига субсидия асосида меҳнат қуроллари ажратилди, 25 нафари Микроорганик ўсимликларни етиштириш кооперациясида, 20 нафари тикувчилик корхонасида иш



бошлади. Маҳаллада ташкил этилган «Гўзаллик салони»да яна 10 нафар хотин-қиз ишли бўлди. Қолган ишсизлар шаҳар ҳудудидаги ташкилот ва корхоналарга ишга жойлаштирилиб, маҳалла ишсизликдан холи ҳудудга айланди. Тадбиркорлик субъектлари 400 тага етди. Яқка тартибдаги тадбиркорлар 176 тани ташкил этмоқда.

Ёшлар ишлари агентлиги шаҳар бўлими ташаббуси билан кўп квартирали уйлар оралиғидаги бўш турган 1 гектар ер майдонида «Ёшлар эко боғи» ташкил этилди. 1000 туп мевали ва манзарали дарахт ҳамда 1000 туп мавсумий ва кўп йиллик гул кўчати экилди. Ёшларнинг яна бир ташаббуси билан «Workout» ҳамда болалар майдончалари қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Энг қувонарлиси, давлат-хусусий шериклик асосида маҳалла биноси барпо этилди. Янги маҳалла биносида барча шароит яратилган.


Тажриба тариқасида кўчаларга одамни юзидан танийдиган 140 дона кузатув камераси ўрнатилди.

Маҳаллада 8250 нафар аҳоли яшайди. Шу боис ҳудудни бўлиш таклифини берганман. 2024 йилдан шу таклиф амалга ошишига умидворимиз. Яна бир таклифим — янги қуриладиган уйларни тайёр битган ҳолда топширилиши керак. Сабаби, уй эгалари кейинги қурилиш ишларидан чиққан чикиндиларни уй олдига ташлашапти. Буни биз тозалашга мажбур бўляпмиз. Қурувчи ташкилотга айтсак, мен уйни сотиб бўлганман, дейди. Тозаламасак, ободлик ва тозалikka эътибор бермаган, деган айб билан бизга жарима қўлланяпти.

Рустамжон РАҲМОНОВ,
Фарғона шаҳридаги «Машъал» маҳалласи раиси.

МЕН ОБУНА БЎЛДИМ,
СИЗ-ЧИ?

Юсуфжон МИЛТИҚБОВ,
Гулистон туманидаги «Аҳиллик» маҳалласи раиси.



«Mahalla» — малакамизни оширяпти!»

— Ҳар бир соҳада ўсиш, ривожланиш бўлиши учун тажриба алмашишнинг аҳамияти катта. Хаёлингизга келмаган янги усул ва йўналишларни ўрганиш, уларни амалда қўллаш, шубҳасиз, сизга қўйилмаган эшикларни очиб беради.

Мен «Mahalla» газетасини айнан тажриба ва малака ошириш майдони бўлгани учун мутолаа қиламан. Айниқса, ҳозир маҳалла раисларининг иш фаолиятидан жонли материаллар кўплаб бериб борилмоқда. Уларни ўқиб, янада кўпроқ ҳаракат қилишим кераклигини қайта-қайта тушуниб бораверман. Шу боис наشرга келгуси йил учун обуна бўлдим.

МЕНДА САВОЛ БОР...

Қодиржон ОХУНОВ,
Янги Наманган туманидаги Бобораҳим Машраб номидаги маҳалла раиси:

— «Mahalla» газетасининг аввалги сонида Тошкент шаҳрида чикинди ташиш ва тўплаш нархлари оширилгани ҳақида хабар берилган. Кейин хизмат кўрсатиш нархи Наманган вилоятида ҳам оширилгани маълум қилинди. Шу ҳақида батафсил маълумот берсангиз. Аҳоли янги тариф бўйича қанча миқдорда маблағ тўлайди?



Наманганда чикинди ташиш нархи ошдимми?

Дилноза КОМИЛОВА,
Санитар тозалаш ишларини ташкил этиш республика маркази Жамоатчилик билан алоқалар бўлими бошлиғи:

— Маиший чикиндини тўплаш ва олиб чиқиш бўйича хизмат кўрсатишни ташкил этишга доир чора-тадбирлар давлатимиз раҳбарининг «Маиший ва қурилиш чикиндилари билан боғлиқ ишларни бошқариш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ҳамда «Санитар тозалаш ишларини ташкил этиш ва аҳоли пунктларида тозаланиш таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ва Вазирлар Маҳкамасининг «Чикиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида амалга оширилмоқда.

Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги ташаббусига кўра, халқ депутатлари ҳудудий Кенгашларининг тегишли сессия қарори билан белгиланган мазкур мажбурий ягона тарифлар санитар тозалаш корхоналари кўрсатаётган хизмат сифатини яхшилаш, янги иш ўринлари яратилишини таъминлашга хизмат қилади. Бу борада ишчи орган этиб белгиланган Санитар тозалаш ишларини ташкил этиш республика маркази ўтказган таҳлилларга кўра, ўтган давр мобайнида тўлов тарифларига бевосита таъсир кўрсатувчи асосий омиллар, хусусан, иш ҳақи 1,5 бараварга, автотранспорт ёқилғи-мойлаш маҳсулотлари ва эҳтиёт қисмлари қиймати ҳамда коммунал хизматлар, жумладан, электр энергияси, ичимлик ва оқовасув нархи 2 бараварга, сиқилган табиий

газ нархи 4 бараварга, бензин 1,5 бараварга, дизель ёқилғиси эса 2 бараварга ошгани аниқланган. Бироқ ҳудудларда қаттиқ маиший чикиндиларни тўплаш ва олиб чиқиш бўйича тасдиқланган тўлов тарифлари охириги 2-4 йил давомида қайта кўриб чиқилмаган. Бу эса санитар тозалаш корхоналарининг молиявий ҳолатига салбий таъсир кўрсатиб, 2022 йил якуни бўйича рентабеллик даражаси кескин пасайиб кетган.

Дарҳақиқат, аввалроқ Тошкент, Самарқанд, Фарғона ва Андижон вилоятларида қаттиқ маиший чикиндиларни тўплаш ва олиб чиқиш бўйича кўрсатиладиган хизмат учун ягона тўлов тарифлари белгилангани ҳақида хабар бергандик. Эндиликда Бухоро ҳамда Наманган вилоятларида кўрсатиладиган хизматлар учун ягона тўлов тарифлари белгиланди. Унга кўра, Наманган вилояти бўйича хизмат кўрсатиш учун тўлов миқдори қайта кўриб чиқилиб, аҳоли ойига 5000 сўм ҳамда юридик шахслар эса 1 м³ учун (КҚСсиз) 50 минг сўм тўлов тўлайдиган бўлди.

Ҳозирда республикамизнинг қолган ҳудудларида қаттиқ маиший чикиндиларни тўплаш ва олиб чиқиш бўйича кўрсатиладиган хизматлар учун ягона тўлов тарифларини белгилашга доир чора-тадбирлар олиб борилмоқда.



НИГОҲ

«Раислик масъулиятли ва машаққатли лавозим»



Маҳалла «драйвери» деҳқончилик, чорвачилик ва тикувчиликдан иборат. Аҳоли фермер хўжаликлари ерларидан ижарага ва ғалладан бўшаган майдонларга иккинчи экинга сабзавот маҳсулотлари ва чорва учун маккажўхори экиб, кўшимча даромад оляпти. Хонадонларда чорва моллари боқиб, аҳолига сут ва гўшт маҳсулотлари етказиб бермоқда. Томорқаларида ташкил этилган иссиқхоналарда помидор, булғор қалампери ва турли кўкатлар парваришлаб, экспорт қилмоқда.

Маҳалладаги хотин-қизлар, асосан, тикувчилик билан шуғулланади. Фуқаро З.Муборова, С.Назарова, М.Одилова, Х.Ражабова, Д.Абдуллаева Г.Сафаровалар кооперация усулида иш ташкил этиб, иш-сиз аёлларни иш билан таъминламоқда. Ижтимоий ҳимояга муҳтож оила фарзандларига моддий ёрдам кўрсатилиб, касб-хунарга йўналтирилмоқда.

Маҳалладаги фаолиятимни 2016 йил хотин-қизлар бўйича мутахассис лавозимидан бошлаганман. Дастлаб аёллар

билан ишлаш бироз қийин кечган. Лекин атрофимдаги ҳамкасбларимнинг ёрдамлари туфайли ўз ўрнимни самарали меҳнатларим эвазига топа бошладим. 2018 йил ижтимоий ҳимояга муҳтож, 2-гурух ногирони ҳамда 3 нафар вояга етмаган фарзанднинг онасига уй-жой учун 125 миллион сўм моддий ёрдам ажратилганида беҳад хурсанд бўлгандик. Ҳозир ўйлаб кўрсам, у савобли ишларнинг бошланиши экан...

Фаолиятим давомида кўп қийинчиликлар бўлди. Шунда раис лавозим эмас, масъулият эканини, фуқаролар маҳалла ходимларининг бераётган ваъдалари ижросини кутишини, маҳаллада бош кўтариб юриш машаққатини ҳис қила бошладим. Шукри, аҳил жамоа кўмагида, ташаббускор, фидойи фуқаролар ёрдамида йиллар давомида самарали ишларни амалга ошириб келяпмиз.

2019 йил маҳалла раислигига сайлов жараёнида аҳоли ички кўчаларга асфальт қопламасини ётқизиш, эски симёғочларни янги бетон устунларга алмаштириш, болалар майдончасини ташкил этиш бўйича


таклиф ва талаблар кўйган эди. Ўша вақтларда кўчаларнинг 70 фоизи таъмирталаб, симёғочлар ҳолати талабга жавоб бермас эди.

Бу муаммоларни ҳал этишда «Ташаббусли бюджет» лойиҳаси кўл келди. Маҳалланинг фаол фуқароларидан Маҳмуджон Назаров ушбу платформага биринчи ташаббусни (эски симёғочни янги-сига алмаштириш, янги кабеллар тортиш ва тунги чироклар) жойлаб, фуқаролар ташаббуси билан 150 миллион сўм ютиб олинди ва шу йилнинг ўзида ижроси таъминланди. «Ташаббусли бюджет» лойиҳаси орқали кўлаб муаммолар ўз ечимини топди. Кўшимчасига болалар майдончаси ташкил этилди.

Хашар йўли билан қурилган маҳалла идораси таъмирталаб ҳолатда эди. Фуқароларнинг ташаббуси билан йиғин биноси таъмирланиб, кутубхона ташкил этилди. Ичимлик сув қувурлари таъмирланди. Ҳозирда маҳалла инфратузилмасидаги муаммолар ўз ечимини топган, аҳоли кайфияти ўзгаришлар ҳисобига аъло даражада.

МЕН ОБУНА БЎЛДИМ, СИЗ-ЧИ?

Маъруфжон САФАРОВ,
Пахтачи
туманидаги
«Фаровон
Йўлдошбод»
маҳалласи
раиси.



«Mahalla» – ишончли манбаа!»

– Бирор натижага эришаман, деган инсон доим ўз устида ишлаши, билим олишдан тўхтамаслиги керак. Айниқса, маҳалла раислари ҳозиргидек шиддат билан ривожланаётган даврда ишончли манбаларга таяниб иш олиб бориши жуда муҳим.

Бу борада мен «Mahalla» газетасини танлаганман. У бизни ўйлантирган ва қизиқтирган барча масалаларни ўз ичига қамраб олган. Билмаган кўп нарсаларимизни ўргатапти. Ҳатто, маҳалламиз аҳолиси ҳам мириқиб мутулаа қилади. Севимли ва қадрли бўлгани учун нашрга келгуси йил учун биринчилар қаторида обуна бўлдик.

Ютуқлар машаққатли меҳнатлар эвазига қўлга киритилган. Фуқаролар овозини ҳеч нимага алишмайди, фақат маҳалла учун овоз беради. Телеграмдаги маҳалла гуруҳи орқали ҳар куни аҳоли билан мулоқот қилиб борилади.

«Маҳалла бешлиги» – ҳоким ёрдамчиси Ж.Мардиев, хотин-қизлар фаоли Ш.Сайдиғозиева, ёшлар етакчиси М.Толипов, профилактика инспектори Ш.Мўйдинов ҳамкорлигида ўз ишимизга масъулият билан ёндашиб, фаолият олиб боряпмиз.

Келгусида режалар кўп. Шулардан бири, аҳолини касб-хунарга ўқитиш, олий таълим муассасалари битирувчилари бандлигини таъминлаш, аҳолини тадбиркорликка йўналтириб, яшаш тарзини янада яхшилашдир. Келаётган йилдан ишимизга янада масъулият билан ёндашиб, «маҳалла еттилиги» билан ҳамкорликда энг намунали ва обод маҳаллалар қаторида бўлиш ниятидамиз.

Зоҳида МАСЛАНОВА,
Зангиота туманидаги «Олмазор»
маҳалласи раиси.

ҲОЛАТ

Гаровга қўйилган мулк қачон тақикдан чиқади?

Зоҳир МАНСУРОВ,
Навоий шаҳридаги
«Меъмор» маҳалласи раиси:

– Маҳалладошимиз битта таниши кредит олаётганда ўзига тегишли кўчмас мулкни гаровга қўйган, гаров шартномаси бўйича мулк 500 миллион сўмга баҳоланган. Таниши кредитни қайтара олмаса, мулкни сотилиб кетишини ўйлаб кредит учун 500 миллион сўмдан ортиқроқ пул тўлади. Банкка мулкни тақикдан чиқариш бўйича мурожаат қилган экан, лекин банк яна 2 миллиард сўм кредит қайтарилмагани боис ундирувни унинг мулкига қаратмоқчи экан. Бу вазиятда мулкни тақикдан чиқариш учун нима қилиш керак?

Анвар ҚОСИМОВ,
ҳуқуқшунос, адвокат:

– Бу вазиятда, аввало, фуқаро банкка мулкни тақик ва гаров реестридан чиқариб беришни сўраб ёзма тарзда мурожаат қилиши керак. Банк ёзма тарзда рад жавобини бергач, кейин фуқаролик ёки иқтисодий судга банкнинг ҳаракатларини қонунга хилоф деб топиш ва банкка мулкни тақик ва гаров реестридан чиқариб бериш мажбуриятини юклашни сўраб мурожаат қилиши керак.

Бир қатор қонун ҳужжатларида фуқаронинг фойдасига белгиланган нормалар мавжуд. Жумладан, Фуқаролик кодексининг 281-моддасига кўра, қарздор ёки учинчи шахс бўлган гаровга қўйувчи гаров реализация қилинганга қадар исталган вақтда гаров билан таъминланган

мажбуриятни ёки унинг муддати ўтказиб юборилган қисмини бажариб, ундирувни гаровга қаратишни ва уни реализация қилишни тугатишга ҳақли.

«Гаров тўғрисида»ги қонуннинг 21-моддасига кўра, агар шартномада ёки қонунда бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, гаровга қўйувчи ушбу қонуннинг 26-моддасига мувофиқ, ундирув қаратилган гаров мулкни сотилгунга ёки гаровга қўйилган мулкнинг ҳуқуқлар реализация қилинганга қадар исталган вақтда гаров билан таъминланган мажбуриятни ёки унинг бажарилиши кечиктирилган қисмини бажариб, уларга ундирувни қаратишни тўхтатишга ҳақли. Қарздор кредитор олдидаги мажбуриятни бажармаган тақдирда, қарздорнинг мажбуриятини таъминлаш учун гаровни тақдим этган учинчи шахс



(мулкни кафил) ундирувни гаров нарсасига қаратишдан сақланиш мақсадида бу мажбуриятни гаров нарсасининг қиймати доирасида бажаришга ҳақлидир.

«Ипотека тўғрисида»ги қонуннинг 49-моддасига кўра, ипотека билан таъминланган мажбурият бўйича қарздор ва

учинчи шахс бўлган ипотекага қўйувчи (ашёвий кафил) ипотекага олувчининг ипотека билан таъминланган барча талабларини бу талабларнинг тегишли суммалар тўланган пайтдаги ҳажмида қаноатлантириб, ундирувнинг гаровга қўйилган мол-мулкка қаратилишини тугатишга ҳақли.

ТУРИЗМ

«Сайёҳларни ҳам ҳайрат, ҳам ҳаяжон ўртаса...»

«Ширин» маҳалласи таркибига кирувчи Ширин туризм қишлоғи тахминан 1 500 йиллик тарихга эга. Қишлоқ аҳолиси азалдан деҳқончилик, хунармандчилик ва савдо-сотиқ билан шуғулланади. Сўнги йилларда бу ерда туризм йўналиши ривожланмоқда.



Ўзига хос тарихи ва бой аъналарига эга қишлоқда бир қатор маданий мерос объектлари ва миллий урф-одатлар ҳозирги кунгача сақланиб қолган. Хусусан, ҳудудда шўрданак билан бирга, қуруқ мевалар, миллий ширинликлар, полиз экинлари ва хунармандчилик маҳсулотларини тайёрлаш авлоддан-авлодга ўтиб келаётган мерос саналади. Меҳмонлар учун ўзига хос кўргазмали намоишлар йўлга қўйилган.

Қадимий тегирмонда бошоқ-

ли дон, маккажўхори, арпа, бугдой, тариқ уни торттиш, тандирдан нон, маҳаллий сомсалар ёпиш жараёни шулар жумласидан. Қолаверса, қишлоқда ўтовлардан ўзига хос ансамбль тайёрланган бўлиб, бир томонида балиқчилик фаолияти йўлга қўйилган. Уй ҳайвонларидан иборат чорвачилик бурчаги, мева ва сабзавотларни табиий усулда етиштириб, қуриши ва қадоқлаш, қолаверса, жун йигириш ва жун маҳсулотларини тайёрлаш жараёнлари меҳмонлар ҳайратини ошириши таби-

ий. Миллий таомлар, шўрданак, қурут тайёрлаш услуби, қишлоқ ҳаётини акс эттирувчи қадимий буюм ва асори-атиқалар музейи ҳамда миллий хунармандчилик бурчаклари кўпчиликда қизиқиш уйғотади.

Қишлоқда яратилган бу каби шарт-шароит ва янги лойиҳалар самараси ўларок, ҳозирда туризм қишлоғига 1 мингдан ортиқ хорижий ҳамда маҳаллий сайёҳ ташриф буюрди. Меҳмонлар учун 55 ўринли «Этнотуристик хотел», 48 ўринли 6 та оилавий

меҳмон уйи, шунингдек, 90 та ўринга мўлжалланган 14 та ўтов, автомобиль ювиш хизматлари ҳамда 10 дан ортиқ озиқ-овқат дўкони ташкил этилган.

Ҳудуд инфратузилмасини яхшилаш мақсадида қишлоқнинг 1,2 километр ички йўллари асфальтланди, 2,5 километри шағаллаштирилди. Бунга қўшимча равишда «4Н-155» русумли умумфойдаланув автомобиль йўлининг Ширин қишлоғидан ўтган 800 метри асфальтланди. Қолаверса, давлат-хусусий ше-

риклик асосида маҳалла учун янги маъмурий бино қуриб битказилди. Замонавий қиёфа касб этган бинода барча шарт-шароит муҳайё қилинган, маҳалла ҳодимлари учун алоҳида хоналар ҳозирланган.

Яқин фурсатда қишлоқда 13 та микромарказ ташкил этилиб, 150 дан ортиқ иш ўрни яратилди. Худди шундай, 20 дан ортиқ меҳмон уйи, 10 га яқин хунармандчилик марказлари, 20 дан ортиқ савдо ва умумий овқатланиш шохобчаси, ўттизга яқин балиқчилик, ҳалвопазлик, шўрданак тайёрлаш каби хизматлар орқали 300 нафар кишини иш билан таъминлаш режалаштирилган.

Умуман, келгуси йил сўнгига қадар Ширин этнотуризм қишлоғига ташриф буюрган сайёҳларга янада қулайлик яратиш мақсадида ҳудудда супермаркетлар, дорихоналар, гўзаллик салонлари, ахборот марказлари, тикув цехлари, туроператор офислари, почта хизматлари, авиа ҳамда темир йўл чипталари кассаси, электротехника устахоналари, сартарошхона, қандоқчилик цехлари, кийим-кечак дўконлари, миллий чойхоналар, велосипед ижара марказлари фаолияти ташкил этилади. Шу билан бирга, табиат қўйнида гастрономик туризм хизматларини тақлиф этиш, ов туризми, кулолчилик, каштадўзлик, зардўзлик, ёғоч ўймакорлиги каби амалий санъат турлари бўйича хизмат кўрсатиш йўлга қўйилади. Эътиборлиси, бу орқали 500 дан ортиқ янги иш ўринлари яратилади.

Мирзоҳид ҲАЛИМОВ,
Вобкент туманидаги
«Ширин» маҳалласи раиси.

НУҚТАИ НАЗАР

«Бу боғнинг суви тоза, ҳавоси мусаффо дир...»

Маҳалла тарихий жой-номга эга. Маълумки, Хоразмнинг нодир жавоҳири саналмиш Хива атрофида «Хон боғи» деб аталадиган боғлар кўп бўлган. «Қибла тозабоғ» ҳам шулар жумласидан. У Мухаммад Раҳимхон Ферузнинг ёзги қароргоҳи бўлиб, «Ичан қалъа»нинг жануби-ғарбий томонидан 2 километр узоқликда жойлашган.

Хон боғлари учун жой танлаш мулозимлар олдидаги асосий вазифа бўлган. Чунки танланган ер ҳосилдор, табиати гўзал, об-ҳавоси мўътадил бўлиши керак эди. Бунинг учун улар асрлар давомида тажрибадан ўтган ажойиб усул танлаганлар: бир қанча жойга янги сўйилган қўй гўшти нимталарини илиб чиқишган. Икки-уч кундан кейин қайси жойдаги гўшт бўлаги янгидек турса, ўша жойда боғ яратишган.

«Қибла тозабоғ» айнан шундай синовлардан ўтгач, барпо

қилинган. Бу манзил барча талабларга жавоб бергани учун бу ерда Мухаммад Раҳимхон Феруз, унинг тоғаси Иброҳимхўжа, кейинчалик тоғаваччаси Ислохўжа ёзги уй-жойлар, мадрасалар қуришган.

«Қибла тозабоғ» аслида катта боғ ўртасига қурилган хон саройи бўлиб, унинг учта ҳовлиси-дан бирида хон ва сарой хизматкорлари ишхоналари, иккинчисидан хон ва унинг оила аъзолари учун турар-жойлар, учинчисидан Европа услубида қурилган айвон ва хоналар жойлашган. Биринчи ва иккинчи ҳовлини Хоразмнинг эски аънавий услубида Мухаммад Раҳимхон Феруз, учинчи, пишиқ ғиштли, айвонли саройни ўғли Исфандиёрхон қурган. Қароргоҳда масжид, меҳмонхона, отхона ва бошқа ҳўжалик хоналари бўлган.

Шу кунларда ушбу қароргоҳ қайта таъмирланмоқда. Келгусида «Қибла тозабоғ» маҳал-



ласида сайёҳлар учун тарихий меъморий обидаларни томоша қилишдан ташқари, археология ёдгорликларини бориб кўриш, экосайёҳатлар уюштириш имкониятлари яратилади.

Бу борада маҳалла инфратузилмасини ривожлантиришга

алоҳида эътибор қаратилмоқда. Аҳоли ичимлик сув, табиий газ, электр энергия билан узлуксиз таъминланган. Жорий йил иккита трансформатор ва светофор ўрнатилди.

Йиғинда сайёҳларни ўзига жалб этадиган кулолчилик цехи

бор. Бу ерда кулол Сухроб Аҳмедов бошчилигида турли сопол идишлар тайёрланади. Келгусида бундай хунармандчилик маҳсулот турларини кўпайтириб, сайёҳлар оқимини янада оширамиз. Бунинг учун зарур шарт-шароитлар мавжуд. Энг муҳими, шу вақтга қадар турли ташкилотлар биноларида фаолият юритиб келган маҳалла ходимлари янги, замонавий бинога эга бўлди.

Маҳалла ёшлари спортда фаол. Биргина Отабек Назирбаев эркин кураш бўйича уч маротаба Ўзбекистон чемпиони бўлди.

Ойбиби ИСМОИЛОВА,
Хива шаҳридаги «Қибла тозабоғ» маҳалласи раиси.

Р/С: Хивада ХХ аср бошларида ўндан ортиқ ёзги ва қишки саройлар мавжуд бўлган. Шундан айримлари, давр талотумлари ва табиий офатлар, бузғунчиликлардан омон ўтиб бугунгача етиб келган. Қўҳна арк, Тошхўвли, Қибла тозабоғ, Боғи шамол, Чодра ҳовли ва Нуруллабой мажмуалари ана шулар жумласидан.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти Администрацияси
хузуридаги Ахборот ва
оммавий коммуникациялар
агентлиги томонидан
2019 йил 24 сентябрда
0019 рақами билан давлат
рўйхатидан ўтказилган.

Бош муҳаррир
Бахтиёр АБДУСАТТОРОВ

Ижодий гуруҳ:
Санжар ИСМАТОВ,
Хайрулло АБДУРАҲМОНОВ,
Рустам ЮСУПОВ

Дизайнер:
Абдулазиз АҲМЕДОВ

Mahalla

Ижтимоий-сиёсий,
маънавий-маърифий газета

МУАССИС:

«Mahalla» nashriyot-matbaa uyi» МЧЖ

Тахририят манзили:
Тошкент шаҳри, Мустақиллик
шоҳ кўчаси, 59-уй.
Индекс: 100192
Телефонлар:
Қабулхона: 71 233-39-89,
Обуна бўлими: 71 233-10-92.
Баҳоси келишилган нархда.
Нашр кўрсаткичи: 148

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик
компанияси босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри
Буюк Турон кўчаси 41-уй.
Ўлчам — А3, 4 босма табоқ.
7 840 нусхада чоп этилди.
Буюртма №: Г-1218
Газета тахририят компьютер марказида
саҳифаланди ва офсет усулида босилди.

